Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 23-fevral, shanba № 16 (8561)

Боқий фикр

Дарё сувини баҳор тоширар,
Одам қадрини меҳнат оширар.

Ўзбек халқ мақоли

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ:
ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизда ҳар бир йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш эзгу анъанага айланган. Долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, йил давомида амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнга инвестициялар ажратишда нафақат давлат, балки нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муайян даврда бажарилиши белгиланган вазифаларни юксак самаралар билан амалга ошириш имконини беради. Айни пайтда истиқболдаги бир неча йил учун замин яратиб, ривожланиш йўналишларини белгилаб олишга кўмаклашади. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг янада равнақ топишига хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни Обод турмуш йили, деб эълон қилди.

Ушбу эзгу мақсадлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилада ва, умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Дастурда режалаштирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатнашишини тақозо этади. Уларни бажарадиган муайян ижрочилар — тегишли вазирлик ва идоралар, амалга ошириладиган тадбирларнинг ижро муддатлари, молиялаш манбалари, мониторинг тизими, қонуний-ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий механизмлари белгиланган.

Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараённи таъминлаш мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилидир.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг шаклланган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш энг муҳим вазифалардандир. Давлат дастурида тўртта қонун — Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, ёшларни ишга жойлаштириш шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, "Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади.

(Давоми 3-бетда.)

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА:
САЛОМАТЛИК ВА НАФОСАТГА ЧОРЛОВ

Аёллар ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Ҳақиқий нафосатга, аввало, мустаҳкам соғлиқ, хушбичим қомат, тиниқ юз, нафис ҳаракатлар, кўтаринки кайфият билан эришилади. Бугун жажжи қизларнинг энг севимли спорт турига айланган бадиий гимнастика юқоридагиларнинг барчасини ўзида жамлай олгани учун ҳам саломатлик ва нафосат спорти деб юритилса, ажабмас.

Мураккаб ритмик ва динамик ҳаракатларга асосланган бадиий гимнастика ёш қизларнинг феъл-атворини шакллантириш ва тарбиялаш, организмни чиниқтириб, идрокни теранлаштириш, танани қувватга тўлдириш ва иродани мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бадиий гимнастика билан ёшликдан шуғулланиш гавданинг тўғри ўсишига ҳам ижобий таъсир этади, жисмоний ва ақлий ривожланиш билан боғлиқ турли муаммоларга муносиб ечим топилади.

Юртбошимиз болалар спорти ҳақида гапирганда, албатта, қизлар спорти ва уни тараққий эттиришнинг долзарб аҳамияти хусусида алоҳида тўхталади. Дарҳақиқат, жажжи қизалоқларимизнинг соғлом бўлиб вояга етиши келажагимиз ва ёруғ истиқболимиз — соғлом авлодларнинг дунёга келишида муҳим омил ҳисобланади.

(Давоми 15-бетда.)



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 206-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ҳам маҳоратли мураббий Феруза Собирова раҳбарлигида нафис спорт сирларини пухта ўрганишмоқда.

ИЛҒОР ТАЖРИБА — КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

«Педагогик грантлар дастури» илк маротаба 2006 йили ўтказилган бўлиб, ўшанда 121 нафар ўқитувчи иштирок этган эди. Бу йил эса мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари, раҳбарларидан 1530та лойиҳа келиб тушди.

2

150 НАФАР ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ УСТОЗИ

Ўтган йиллар давомида шогирдлари ва ота-оналар ўртасида катта ҳурмат қозонган Эркиной Ҳамдамованинг ўқувчиларидан 150 нафари инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб етишгани устоз-педагог фаолияти нечоғлик самарали бўлганидан далолатдир.

Хўш, муаллима бундай муваффақиятга, ўқувчилар меҳрию ота-оналар ҳурматига қандай эришди?

7

"ОЛИЙГОҲ"НИНГ "ОҲАНРАБО"СИ

Олийгоҳ **сўзи** ***институт*** **ўрнига тўлиқ муқобил бўла оладими? Кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик юртдошларимиз назарида** ***олийгоҳ*** **сўзининг қўлланилиши ўринли. Аслида-чи? Масалага объектив жиҳатдан қаралса, бутунлай бошқача манзара намоён бўлади.**

8-9

ИЛҒОР ТАЖРИБА — КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида "Педагогик грантлар: илғор тажриба — келажакка қадам" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ҳодиев, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори Ҳ.Комилова, «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти маркази раҳбари М.Раҳматуллаева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ёшларга замонавий билим бериш, уларни баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказиб келинаётган «Таълим ва карьера» халқаро маърифий кўргазмаси, «Келажак овози», «Ёш олимлар инновацион лойиҳалари» республика кўрик-танловлари, ахборот-коммуникация технологиялари, дизайнерлик йўналишидаги медиа-мактаблар, иқтидорли талабалар учун стипендиялар ҳамда таълим грантлари дастурлари ёшларнинг истеъдодини кашф этиш ва ривожлантиришга хизмат қилаяпти.

«Педагогик грантлар дастури» илк маротаба 2006 йили ўтказилган бўлиб, ушанда 121 нафар ўқитувчи иштирок этган эди. Бу йил эса мактаб, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари, раҳбарларидан 1530та лойиҳа келиб тушди.

Анжуманнинг биринчи қисмида замонавий педагогик технологиялар билан боғлиқ турли мавзуларда-ги маърузалар тингланди. Шундан кейин дастурнинг ўтган йиллардаги ғолиблари амалга оширган лойиҳалар ҳамда 2012 йилдаги янги ташаббуслар тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбир сўнгида «Педагогик грантлар дастури-2012» лойиҳасининг 48 нафар ғолибига грантлар топширилди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Академик Нина ВЛАСОВА

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ботаника соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Нина Александровна Власова 83 ёшида вафот этди.

Н.Власова 1930 йили деҳқон оиласида туғилди. 1951 йили Ўрта Осиё давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қишлоқ хўжалиги (ҳозирги Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси) институти лаборанти вазифасида иш бошлади. Кейинчалик ушбу институт аспирантурасида таҳсил олиб, 1969 йилда номзодлик, 1976 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий фаолияти давомида Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институтида катта илмий ходим, лаборатория мудири, бош илмий ходим лавозимларида самарали меҳнат қилди ва юртимизда ботаника фани соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, унинг ўсимликлар эмбриологияси, цитологияси ва анатомияси, ғўза уруғчилигининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг бевосита раҳбарлигида ўндан ортиқ фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Нина Власованинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмуҳамедова, Ш.Мирзиёев, Ш.Солиҳов, Ж.Мусаев

"ЯНГИ КОРХОНАДА ИШЛАЯПМИЗ"

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида «ELITE STARS TEXTILE» МЧЖ корхонаси ишга туширилди. Натижада касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшлар янги иш жойларига эга бўлишди.

— Мен 2012 йили Хўжайли енгил саноат касб-ҳунар коллежини тикувчилик мутахассислиги бўйича битирдим, — дейди Маржон Дуйсенбоева. — Кувонарлиси, «Хўжайли текстиль» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида ташкил этилган корхонага уч томонлама шартнома асосида ишга жойлашдим. Айни пайтда тенгдошларим Улбосин Сейтниязова, Зоя Утеханова билан ишлаяпмиз.

— Корхонамизнинг ишга тушиши билан 189 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлди, —дейди корхона директори Юлдаш Матниязов. — Биз ўзимизга кадрларни етказиб бериш бўйича тумандаги бир нечта ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан шартнома тузганмиз. Ишчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ta'limda hamkorlik

МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ МЕЪМОРЧИЛИК УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон меъморчилигининг қадимий тарихи юксак нафосат мужассамлашган маҳобатли меъморий ёдгорликларда акс этган. «Ер юзининг сайқали» — Самарқанд, илм ва фан маркази бўлган Бухоро, «очиқ осмон остидаги музей» — Хива ҳамда «билим ва одоб гумбази» — Шаҳрисабз каби шаҳарларимиздаги меъморчиликнинг нодир намуналари бўлган кўшку бинолар, осори-атиқалар халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга намоён этиб турибди. Мана шу каби меъморчилик намуналарини сақлаш, уларни кейинги авлодга асл ҳолича етказиш реставратор-мутахассислар олдида турган долзарб вазифадир.

Юртимизда тарихий иншоотларнинг салобати маҳобати, уларда акс этган миллий меъморий қиёфани сақлаш бўйича талай ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент архитектура ва қурилиш институти билан Потсдам ихтисослаштирилган институти(Германия) ўртасидаги келишувга биноан очилган «Ўзбек-герман архитектура ва қурилиш маркази»да «Бино ва иншоотларни сақлаш ва тарихий архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш» магистрлик мутахассислиги курси ўз ишини бошлагани шу жиҳатдан аҳамиятли бўлди.

Мазкур курснинг очилиш маросими Тошкент архитектура ва қурилиш институтида бўлиб ўтди. Ўқув курси илк бор тадбиқ этилаётган лойиҳа бўлиб, таълим жараёни Потсдам ихтисослаштирилган институтидан ташқари, Бамбергдаги Отто Фридрих университети, Веймардаги Баухауз университети ва Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Янги курс архитектура-қурилиш соҳасида жаҳон стандартлари даражасида олий маълумотли, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

— Ўзбекистоннинг ниҳоятда бой, ранг-баранг ва қадимий архитектураси бор, — дейди Потсдам ихтисослаштирилган институти Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихий обидалари бўлими бошлиғи, курс лойиҳаси раҳбари Свен Валаш. — Айнан шу омил реставрация мутахассисларини тайёрлашда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишимизга сабаб бўлди. Курсга фақат архитектура йўналиши эмас, ландшафт архитектураси, муҳандислик, дизайн мутахассислиги бўйича бакалавр даражасига эга ёшлар ҳам қабул қилинди. Ушбу ҳамкорликни давом эттириб, кейинчалик ҳам мутахассисларни тайёрлашда ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришни режалаштирмоқдамиз.

Юртимиздаги тўрт мингдан ортиқ тарихий обидаларнинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани маданий бойликларни муҳофаза қилишнинг долзарблигини кўрсатади. Бундан ташқари, малакали мутахассисларни тайёрлаш иншоотларда миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлигини таъминлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

— Ўқув курси германиялик профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади, — дейди ТАҚИ ўқув ишлари бўйича проректори Абдуқобил Тўлаганов. — Европанинг ривожланган олий таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёни ушбу курсга ҳам татбиқ этилади. Ёшларимиз бино ва иншоотлар реставрациясида қўлланилувчи хорижий илғор технологияларни ўзлаштириш орқали реставрация услубларини мукаммаллаштиради. Қолаверса, қайта тиклашда ишлатиладиган материалларнинг таркиблари мукаммал ўргатилади. Шу боис ҳам курсда ўқиш истагида бўлган ёшлар кўпчиликни ташкил этди. Улар 2012 йилнинг июль ойидан бошлаб Гёте институтида тил ўрганишди. Курсларга қабул танлов асосида амалга оширилди. Бакалавриатни тугатган ёшларнинг мутахассислиги бўйича билими, илмий салоҳияти, яратган лойиҳалари кўриб чиқилди. Барча талабларга жавоб берган 14 нафар талаба курсга қабул қилинди. Икки йиллик ўқув курсининг 3 семестри «Ўзбек-герман архитектура ва қурилиш маркази»да, якуний семестр эса Потсдам ихтисослаштирилган институтида ўтказилади. Натижада улар Потсдам ихтисослаштирилган институтининг магистр даражасидаги дипломини қўлга киритишади. Дарсларнинг маъруза ва амалий машғулотлар билан бир қаторда, экскурсиялар шаклида ўтказилиши бўлажак мутахассисларнинг билим ва маҳоратини янада юксалишига замин яратади.

Курсга қабул қилинган ёшлар бакалавриатда олган билимларини янада мустаҳкамлаган ҳолда тарихий ёдгорликларни таъмирлаш йўналишини пухта эгаллашади.

— Реставрация ниҳоятда нозик иш ва бу фақат архитектура эмас, ҳайкалтарошлик, ганжкорлик, ўймакорлик каби бошқа санъат турлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ, — дейди курс талабаси Мадина Қурбонова. — Тарихни келажакка бешикаст етказиш — масъулиятли, шу билан бирга машаққатли иш. Ўйланманки, курсда барча йўналишлар бўйича мукаммал билим эгаллаб, қўникма ва тажрибамизни амалиётга жорий этиб, қадимий иншоотлар кўрку маҳобатини сақлашга ҳисса қўшамиз.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ:

ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари муттасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг муҳим йўналишларидандир. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади.

Дастурда янги ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини қуриш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. 2013 йилда, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда касаначиликни барқарор ривожлантириш ҳисобидан 970 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ тижорат банклари томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандчиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш режалаштирилган. Жорий йилда бундай кредитларнинг умумий ҳажми 269,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Дастурда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, ҳудудий корхоналарни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб этиш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш, узумчилик, чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Қайта ишлаш ҳажмлари, жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги учун замонавий мини-технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўпайтирилади.

«Электрон ҳукумат» тизимини жадал шакллантириш ҳам муҳим ва долзарб вазифадир. Интернет тармоғида «бир дарча» режимида фаолият юритадиган интерфаол давлат хизматлари ягона порталини яратиш мўлжалланган бўлиб, бу иқтисодий фаолият субъектлари ва бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини сезиларли даражада соддалаштириш имконини беради.

2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, хасталикларнинг олдини олишни кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор технология ва услубларини жорий этиш, пировард натижада фуқаролар, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Чекка жойлардаги аҳоли пунктларида 32 қишлоқ врачлик пунктини барпо этиш, 54 тиббиёт бирлашмасини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, 11 вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси, шунингдек, 13 вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади.

Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш — изчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир. Шу мақсадда жорий йил Давлат дастурида жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш, таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 умумтаълим мактабини, 159 академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини капитал таъмирлаш, 55 мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 116 болалар спорти объектини, олий таълим муассасалари тизимидаги 45 иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланади. Шу билан бирга, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ушбу жараённинг маънавий-ахлоқий жиҳатига эътибор қаратиш, уларда миллий ғурур, ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишлар доирасида 2013 йилда ёшларнинг касбий кўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари фаолият кўрсатади, болалар ҳамда ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш янада юқори даражага кўтарилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 2013 йилда 553 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилади, мамлакатимиз аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сув, газ ва канализация хизматлари, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади, минглаб километр янги юқори вольтли электр узатиш линиялари, сув чиқариш ҳамда газ тақсимлаш тармоқлари объектлари барпо этилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.

Дастурда замонавий йўллар, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш, шунингдек, қишлоқ жойларда узунлиги 239,1 километр бўлган янги, туташган автомобиль йўлларини барпо этиш, шаҳарларда янги кўчалар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Маҳалла халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан 2013 йилги Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ва турар жой массивларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган.

Маҳаллаларнинг қиёфасини янада яхшилаш, уйларнинг олд қисми ва томларини, кўчалар ва йўлакларни таъмирлаш, болалар спорт майдончаларини қуриш, энергия тежовчи технологияларни қўллаш орқали ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш, санитария шароитларини яхшилаш ҳам дастурда белгиланган вазифалар сирасига киради. Маҳаллалар ҳудудларида 15 миллион туп манзарали ва 29,5 миллион туп мевали дарахт ниҳоллари, шунингдек, 10 миллион туп гул ҳамда буталар экиш кўзда тутилган. 2013 йилда маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқда экологик турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш орқали қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича "Обод уйим" лойиҳаси амалга оширилади.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни аниқ манзилли асосда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар истиқболда ҳам изчиллик билан амалга оширилади.

Маҳаллаларда йил давомида халқимизга хос тинчлик-осойишталикка интилиш, меҳр-мурувват, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш каби қадриятларни тарғиб этадиган маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилади.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар бандлигини таъминлаш ва фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ҳамда уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича бажарилаётган ишлар янада ривожлантирилади.

Хусусан, Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида "Ёш оилалар учун турар жой" дастурини, имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда "Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳаси рўёбга чиқарилади.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтларининг маблағлари ва грантлар жалб этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳарларда "Обод турмуш йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилади. Уларнинг вазифалари Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бажаришдан иборатдир.

Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси зиммасига давлат ва хўжалик бошқарувининг республика органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг унда белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажаришига доир ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муҳим йўналишларини қамраб олган. Унинг самарали амалга оширилиши эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириши, мамлакатимиз равнақини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

ЎзА

Yangiliklarda yurt nafasi

Шуманай туманида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўқиб-ўрганишга бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

Семинарда ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан асраш ҳамда ҳимоя қилиш масалаларига мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Маънавиятнинг мазмун-моҳияти кенг, инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир, — дейди ўқитувчи Гулчеҳра Темирхонова. — Истиқлол туфайли кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, маънавиятимизни юксалтириш имкониятига эга бўлдик. Ватанимиз келажаги бўлган ёшларни тарбиялаш масъулиятини ўз зиммасига олган биз ўқитувчилар Президентимизнинг ҳар бир асарини қунт билан ўқиб-ўрганишимиз, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшларга етказишимиз даркор. Бугунги семинарда маънавият дарсларини ташкил этиш, тўгараклар ишини янада фаоллаштириш бўйича ўзаро тажриба алмашганимиз ғоят фойдали бўлди.

Бухоро шаҳридаги маҳаллаларда меҳнат ярмаркалари бўлиб ўтди.

— Ўтган йили қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежини битирганман, — дейди "Шарқ юлдузи" маҳалласида яшовчи Азизбек Чориев. — Ўзимга мақбул иш топишимда маҳалламизда ўтказилган ярмарка катта ёрдам берди. Истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб берадиган "Энергомарказ" акциядорлик жамияти вакиллари билан шу ернинг ўзида суҳбатлашиб, корхонада яратилган шароитлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлдим. Натижада, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан менга ушбу корхонада ишлаш учун йўлланма берилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда "Дўстлик" маҳалласида ҳам ана шундай тадбир ўтказди.

Бевосита аҳоли истиқомат қилиш жойларида ташкил этилган ана шундай меҳнат ярмаркаларида 79 корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этди. 58 фуқарога ҳисобчи, боғбон, стоматолог-техник, тарбиячи сингари мутахассисликлар бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. 250 фуқаро меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар олди.

Фориш туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг UNWOMEN агентлиги ва "Микрокредитбанк" ҳамкорлигида "Ўзбекистон хотин-қизларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этиш" лойиҳаси доирасида бизнес-тренинг ўтказилди.

Обод турмуш йилига бағишлаб ташкил этилган семинарга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги қишлоқ аёллари, касб-ҳунар коллежларини битирган қизлар таклиф этилди.

Бизнес-тренинг машғулотларида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки мутахассислари иштирокчиларга Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар тўғрисида атрофлича маълумот, маслаҳат ва тавсиялар берди.

Шундай бизнес-тренинг туманнинг Янгиобод қишлоғида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда ҳам қишлоқ аёллари икки кун давомида кичик бизнес ва тадбиркорлик бўйича ўз билимини оширди.

Термиз шаҳрида фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинмасининг Обод турмуш йилида амалга оширириш режалаштирилган ишларининг мазмун-моҳияти ва бу борада жойлардаги ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни кучайтириш ва эришилган натижалар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Вилоятда фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини янада кучайтириш, амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Таълим-тарбия — асосий куч

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Мамлакатни барқарор тараққий эттиришда интеллектуал ривожланган авлоднинг ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди.

Марказ директори Мурат Атамуратов, социология фанлари доктори, профессор Мансур Бекмуродов, Абдусалом Умаров аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссалари, истиқлол йилларида таълим тизимидаги янгиланишлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Шундан сўнг бир сидра саволлар ўртага ташланди ва кеча жонли мулоқот, баҳс-мунозара шаклида кечди.

— Талабаларнинг қизиқишлари ва таклифларини ўрганиб, турли тадбирлар ўтказиб турамиз, — дейди марказ услубчиси Наргиза Дўсимбетова. — Катта авлод билан учрашувлар ёшларнинг келажак сари дадил қадам ташлашига, иқтидор ва қобилиятининг юксалишига туртки бўлмоқда.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Таассуротлар баён этилди

Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейда "Китоб — билим хазинаси" мавзусида китоблар тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда ўқувчилар лицей кутубхонасидаги китоблардан олган таассуротларини баён этдилар. Китоблар орасида мумтоз адабиётимиз дурдоналари билан бирга, жаҳон адабиёти намуналари ҳам бор.

Тақдимот мушоарага уланиб кетди. Ўқувчилар устоз шоирлар шеърларини ва ўз ижод намуналарини тенгдошларига тақдим этдилар.

Қундуз ХУДОЙБЕРДИЕВА,
лицей кутубхоначиси

«Гул ўсса ернинг кўрки, қиз ўсса элнинг»

Ҳар бир ота-она фарзандининг бахтли бўлишини истайди. Айниқса, қиз боланинг иболи, ҳаёли, эсли-ҳушли бўлиб вояга етиши унинг тақдирида ижобий роль ўйнайди.

Мирзо Улуғбек туманидаги 205-мактабда ташкил этилган «Гул ўсса ернинг кўрки, қиз ўсса элнинг» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда маҳалла раислари, шифокорлар, мактаб ўқитувчилари ҳамда оналар иштирок этишди. Сўз олганлар қиз болаларнинг эрта турмушга чиқишининг салбий оқибатлари, соғлом онадан соғлом бола дунёга келиши, фарзандининг жисмонан, ақлан етук бўлиб вояга етиши онанинг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтишди.

Нуржаҳон УСМОНОВА,
ўқитувчи

Ўқувчилар институтда

Тошкент молия институтида "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими: ҳамкорликнинг инновацион йўналишлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда институт, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди.

Сўзга чиққанлар Президентимизнинг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр юритишди. Жумладан, 2012 йили мазкур таълим муассасасини битирган 74 нафар ёш мутахассиснинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда педагогик фаолиятини бошлагани, институт 100 дан зиёд касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар тузгани айтиб ўтилди.

Давра суҳбати доирасида институт ўқув аудиториялари, ахборот-ресурс маркази ҳамда компьютер заллари бўйлаб экскурсия ташкил этилди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари олий таълим муассасасида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

МУХБИРИМИЗ

Аждодлардан ибрат олиб

Мактаб-интернатимизда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари кенг нишонланди.

«Алишер Навоий — сўз мулкининг султони» мавзусидаги адабий кечада шоирлар султонининг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлар, ғазал, рубоий, туюқларидан намуналар, достонларидан парчалар, пурмаъно ҳикматлари янгради. «Энг яхши ғазалхон», «Энг яхши ижодий иш», «Энг яхши деворий газета» танловларида ўқувчилар фаол иштирок этди.

Таълим муассасамизда фаолият кўрсатаётган «Нотиқлар клуби»нинг бу галги машғулоти ҳам Навоий ва Бобур шахсини ўрганишга бағишланди.

7-«Д» синфида она тили ва адабиёт фани ўқитувчи М.Ҳожиматованинг «Бобурга мактуб» мавзусидаги очиқ дарси ўзбек ва инглиз тилларида ташкил этилди. Ушбу ноанъанавий дарс кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Р.НАЗИРОВА,
Чуст шаҳридаги 7-ИДУМИ ўқитувчиси

Шеърият кечаси

Ёшлар ижод саройида шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишланган шеърият кечаси бўлиб ўтди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир 200 нафардан ортиқ иштирокчини жамлади.

Tadbir

Тадбирда таниқли ижодкорлар ва ёш шоирлар, "Келажак овози" иқтидорли ёшлар танлови ғолиблари, Ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари ғазал ва рубоийлардан намуналар ўқишди.

Ёш шоирлар ўртасида эркин мавзудаги муаллифлик ижод намуналари танлови ҳам ўтказилди. Ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган 200дан зиёд ижод намунасининг энг саралари мазкур тадбирда ўқиб эшиттирилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Маънавият сарчашмаси

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти «Тил ва адабиёт таълими» кафедраси ташаббуси билан Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган «Алишер Навоий ижоди — маънавият сарчашмаси» мавзусида адабий кеча ташкил этилди.

Тадбирда жам бўлганларда Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари томонидан ижро этилган саҳна кўриниши илиқ таассурот қолдирди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Ўзбек мумтоз адабиёти» кафедраси профессори, филология фанлари доктори Ҳ. Ҳамидовнинг сўз санъаткорининг беназир адабий мероси мавзусидаги маърузаси, институт «Тил ва адабиёт таълими» кафедраси мудири Н.Жумахўжанинг Алишер Навоий қаламига мансуб «Не наво соз айлагай булбул гулистонидин жудо» ғазалини атрофлича таҳлил этиб беришга қаратилган чиқиши кечага ўзгача мазмун касб этди.

Шунингдек, кафедранинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари гуруҳида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган куни ва унинг ижодига бағишлаб давра суҳбати уюштирилди. Суҳбат жараёнида Ватанимиз ва жаҳон миқёсида Бобур меросини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган ҳамда чоп этилган янги тадқиқотлар тўғрисида фикр юритилди.

М.МАМАДАЛИЕВА,
институт катта ўқитувчиси

Qaror va ijro

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда таълим тизимининг миллий модели яратилиб, уни янада мустаҳкамлаш мақсадида таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Таълим соҳасидаги ишларимиз халқаро майдонда кенг ўрганилаётгани барчамиз учун қувонарли, албатта. Биргина мисол: 2012 йилнинг бошида "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуида ўтказилган халқаро конференциянинг якуний ҳужжати — резолюциясида таълим соҳасидаги миллий моделимиз ривожланаётган мамлакатлар учун андоза сифатида тавсия этилди. Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган "Инссад" халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида баён этилган маълумотларга кўра, дунёнинг 141 мамлакати ўртасида таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича Ўзбекистон иккинчи ўринни банд этгани ёшларнинг таълим олишига берилаётган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканидан далолат беради.

ТАЪЛИМ, ШАХС ВА ЖАМИЯТ УЙҒУНЛИГИ

шу асосда мамлакатнинг барқарор тараққиёти кафолатланади

Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам таълим соҳаси ва келажак авлод тарбиясига алоҳида тўхталиб ўтди. Йиғилишда ёшлар таълим-тарбиясини замон талаблари руҳида ташкил этиш борасида олиб борилаётган эътирофли ишлар билан бир қаторда бу борадаги олдимизда турган вазифаларга эътибор қаратилиб, таълим соҳасида учраб турадиган айрим камчилик ва муаммолар ҳам тилга олинди.

Дарҳақиқат, 2012 йилда Давлатимиз раҳбари томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичи — таълим сифатини оширишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилиб, уларнинг жамият ҳаётида ўз ўринларини топиб олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2012 йилда касб-ҳунар коллежларининг қарийб беш юз минг нафар битирувчи курс ўқувчилари 116,1 мингдан ортиқ корхона, ташкилотларга амалиёт ўташ учун бириктирилди, 20,1 минг корхона, ташкилотларда махсус ўқув ва амалиёт хонаси ташкил этилиб, 16 минг ўқувчи корхона ва ташкилотлар томонидан 30 фоизлик иш ҳақи билан таъминланди.

Битирувчилар малакасини ошириш мақсадида касб-ҳунар коллежлари устахоналарини хомашё ва материаллар билан таъминлаш учун 6 млрд. сўм маблағ ажратилди. Мутахассислик фанлари ўқув дастуридан маънавий эскирган 4603та мавзулар чиқарилиб, замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилаётганини эътиборга олган ҳолда 6613 та янги мавзулар ўқув дастурларига киритилган. Ўқув режаларидаги аудитория соатлари 5 фоиз камайтирилиб, ўқув ишлаб чиқариш амалиёти соатлари ҳажми 10 фоизга оширилган.

23та касб-ҳунар коллежи қайта ихтисослаштирилиб, 387та касб-ҳунар коллежида 98 та касблар бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди, 603та касб-ҳунар коллежида 143та касблар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2012 йилда 1913 нафар битирувчига 9,4 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, шу ҳисобдан 2400 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида битирувчиларнинг қарийб 87 фоизи иш билан таъминланган ҳолда уларнинг 43 фоизи ўзлари амалиёт ўтаган жойларда ишга жойлашди.

Олий таълимнинг сифатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йилдаги қарори билан тасдиқланган 2011—2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури доирасида олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари, талабалар тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Таълим сифатини ошириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқишда олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш муҳимлигини эътиборга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди. Эндиликда олий таълим муассасалари рейтинги Давлат тест маркази томонидан аниқланади. Таҳлилий маълумотлар олий ўқув юртининг қандай ривожланаётгани тўғрисида ахборотга эга бўлиш имкониятини бериш билан биргаликда ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имкониятини яратиш билан аҳамиятли ҳисобланади.

Олий ўқув юртлари фаолияти баҳоланадиган мезонларни шакллантиришда олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати ва илмий салоҳият даражаси индексига асосий эътибор қаратилади ва уларнинг ҳар бирига натижасига кўра, 35 фоиздан балл қўйилади. Шунингдек, талаба ва битирувчиларнинг иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш натижасида аниқланадиган малака индексига алоҳида урғу берилади ва бу кўрсаткич 20 фоиз билан баҳоланади. Қолган 10 фоиз бошқа кўрсаткичлар бўйича берилади.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилмоқда. Мазкур масала юзасидан 2012 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли: фан номзоди ва фан доктори даражаларини бериш тизими иқтисодий ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган меъёрларга мос келмаслиги эътиборга олиниб, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ илмий даража бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқитиш шартлари ва муддатлари, уларга қабул қилишнинг тартиблари, олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирувчиларга қўйиладиган талаблар, олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқишни ташкил этиш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга қўйиладиган умумий малака талаблари белгиланган. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом эса илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш имкониятини беради. Шу билан бирга, тайёрланаётган кадрлар ва илмий ишлар сифатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Маълумки, хорижий тилни билиш аллақачон давр талабига айланиб улгурди. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантириш, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига йўналтирилган тизимни янада кучайтиришни назарда тутади.

Қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш бош мақсад қилиб белгиланган.

Қарорда таълим тизими вакилларига бир қатор вазифалар қўйиладики, унга кўра чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланиши кўзда тутилади. Олий ўқув юртларида айрим махсус фанлар, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилиши ёшларимизнинг нафақат хорижий тилни билишларига шароит яратади, балки хорижий техника ва технологияларни ўзлаштириш, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини юзага чиқаради. Шунингдек, қарорда ёшларнинг чет тилларга бўлган қизиқишларини ошириш, уни эгаллашларига замин яратиш мақсадида 2015—2016 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига қабул жараёнида кириш тестлари блокига чет тилининг киритилиши белгилаб қўйилди.

Чет тилларни ўрганиш учун шароитлар яратиш чора-тадбирлари ҳам қарорда ўз аксини топган. Жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларни ўқитиш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиши ва кучайтирилиши белгилаб қўйилган, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилини ўрганиш имкониятлари яратилади. Мазкур ўқув якунлари бўйича умумэътироф этилган тестлар (имтиҳонлар) топширилиши таъминланади. Бунда тестларни топширишда қулайликлар ҳам яратилади. Ўрганувчилар имкониятлари ва шароитларидан келиб чиқиб чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш учун тўлов асосида тестдан ўтиши мумкин. Интернет орқали масофавий тест ўтказиш ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини бериш ташкил этилишининг кўзда тутилгани ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, қарорда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларида чет тиллари ўқитувчиларига эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётганлар орасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсиномалари асосида олий таълим муассасаларига чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига мақсадли қабулни амалга оширишга алоҳида эътибор берилган.

Хулоса қилиб айтганда, таълим соҳасида олиб борилаётган тизимли ишларимиз жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлаётир. Бу эса таълим соҳасидаги фаолиятимизни янада такомиллаштириш борасида олдимизда юксак вазифалар турганини ҳам кўрсатади.

Ўрол ХАИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Yosh avlod tarbiyasi — muhim vazifa

Мобиль телефон яратилган дастлабки пайтларда асосан алоқа учун ишлатилган, унинг тури, имконияти ва қулайлиги ҳозиргидек кўп ва кенг бўлмаган.

Кейинги йилларда мобиль телефоннинг имкониятлари ортиб, такомиллашиб борди ва унга бўлган қизиқиш янада ошди. Бугун бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам боғча ёшидаги боладан то кекса отахону онахонларгача симсиз телефондан фаол фойдаланмоқда. Ким биландир мулоқотда бўлиш — аслида инсон табиатига хос эҳтиёж. Мобиль телефон бу жараённи янада тезлаштиради.

Ушбу алоқа воситаси ёрдамида исталган жой ва пайтда оилавий ва иш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, ундан соат, календарь, калькулятор, фотоаппарат, диктофон, видеокамера, радио, телевизор, интернет, блокнот сифатида фойдаланиш, об-ҳаво ва валюта курси сингари бошқа кўплаб зарур маълумотларни билиш, мусиқа эшитиш, турли ўйинлар ўйнаш мумкин.

Ҳозирги кунда мобиль телефон инсоннинг доимий ҳамроҳига айланган. Ундан фойдаланувчиларнинг салмоқли қисми ёшлардир.

Телефон ишлатадиган болаларнинг асосий қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Улар телефонга шу қадар боғланиб қолганки, кўча-кўйда юрганда ҳам қулоқчин орқали ундан фойдаланади. Натижада ташқи товушни эшитмайди. Шу тариқа ҳаётини хавф остига қўйишгача боради.

— Кеча машинам билан бир ўқувчи қизни туртиб юборишимга оз қолди, — дейди Янгийўл туманида яшовчи Қодир Пўлатов. — Йўлни кесиб ўтаётган ўқувчи қиз машина сигналини эшитди, деб ўйлабман. Кейин билсам, қулоғи "бандлиги туфайли автомобиль овозини умуман сезмаган экан.

Маҳалламизда яшовчи 7-синф ўқувчисининг телефонидаги дахшатли автоҳалокат, қўрқинчли ўйин ва фоҳишабозлик тасвири туширилган лавҳаларни кўриб ҳайрон қолдим. У буларни мактабдошининг телефонидан кўчириб олганини яширмади. Отаси билан гаплашганимда, ўғлининг бу эрмагидан бехабар эканлигини, тенгдошлари орасида ўксимасин, деб қўл телефони олиб берганини айтди.

Ҳаммамиз ҳам фарзандимиз ўзимиз эришолмаган ютуқ ва марраларни забт этишини, замондан, тенгқурларидан ортда қолмаслигини истаймиз. Бироқ ушбу жараёнда қош қўяман деб, кўз чиқармаслик даркор. Зурриёдимизга мобиль телефон ёки компьютер олиб бергач, улардан қандай мақсадда фойдаланаётганини назорат қилишимиз шарт.

Психологларнинг ташвиш билан таъкидлашича, мобиль телефони бор ўқувчилар дарсдан кўп чалғир экан. Фанларни ўзлаштириши сусаяр, вақтини кўпроқ илм ўрганишга эмас, телефонини "титкилаш"га бағишлар экан. Бу ҳам етмагандай, тез асабийлашадиган, бефарқ, лоқайд бўлиб қолар, ақлий ва жисмоний ривожланишига путур етаркан.

Энг ёмони, мобиль телефон орқали тарқалаётган беҳаёликка, ваҳшийликка ундовчи расм ва тасвирлар уларнинг хулқи бузилишига олиб келади. Телефонидаги "қаҳрамонлар" бажарган уятсиз ва ёвуз ишларга қўл уришга мойиллик пайдо бўлади.

Мобиль телефоннинг зарари хусусида гап кетганда, мутахассислар у орқали бирикки дақиқадан ортиқ сўзлашмасликни тавсия этганини таъкидлаш жоиз. Чунки унда узоқ муддат мулоқотда бўлишнинг инсон саломатлиги учун зарари катта эканлиги аллақачон исботланган.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ва унинг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида мактаб ва маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда бу борада тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳакамасининг 2012 йил 21 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

— Ўқувчиларимизга мактаб ҳудуди ва синфларда мобиль телефондан фойдаланиш тартиби тушунтирилмоқда, — дейди Зангиота туманидаги 44-умумтаълим мактаби директори Ўктам Худоёров. — Белгиланган тартибни бузган ўқувчиларга нисбатан тегишли таъсир чоралари қўлланилмоқда. Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини янада ошириш, ҳар томонлама ривожланган ва баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида амалга оширилаётган бундай ишлар ўз самарасини бермоқда.

Фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифалардандир. Шундай экан, ёшлар таълим-тарбиясига доимий эътибор қаратиш, уларни мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш барчамизнинг, аввало, ота-оналар, мактаб жамоалари ҳамда маҳалла аҳлининг муқаддас бурчидир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

FARZANDLARI SOG'LOM YURT QUDRATLI BO'LUR

Umumta'lim maktablarida jismoniy tarbiya fani oyligini o'tkazish yuzasidan tavsiya

Mamlakatimizda bolalar sportini rivojlantirishga katta e'tibor qaratilayotgani umumta'lim maktablarida jismoniy tarbiya darslarini sifat va mazmun jihatdan yangi bosqichga ko'tardi. Xususan, joylarda barpo etilayotgan minglab zamonaviy sport majmualari, barcha zarur shart-sharoitlarga ega maktab zallarida sport turlari bilan muntazam shug'ullanayotgani bois o'g'il-qizlarimizning jismoniy ko'rsatkichlari yil sayin o'sib bormoqda. Bu boradagi islohotlar samaradorligini yanada oshirish, yoshlar o'rtasida sportni keng targ'ib etish va ommalashtirish, o'quvchilarni jismonan baquvvat, sog'lom qilib tarbiyalash orqali barkamol avlodni voyaga etkazish maqsadida mart jismoniy tarbiya fani oyligi sifatida belgilangan. Qolaversa, yurtimizda azaldan 21-mart — "Navro'z" umumxalq bayrami arafasida kurash, uloq, arqon tortish, tosh ko'tarish, chillak kabi xalq o'yinlari bo'yicha ommaviy musobaqalar tashkil etiladi. Fan oyligi mazkur musobaqalarni yanada jonlantirishga ham xizmat qiladi.

Jismoniy tarbiya darslari samaradorligini oshirishning eng muhim omillaridan biri o'quvchilarga amaliy mashg'ulotlarda sport anjomlaridan samarali va to'g'ri foydalanishni o'rgatishdir. Oylikni mazmunli, yuqori saviyada o'tkazishda barcha o'quvchilarni qamrab oladigan turli sport bayramlari, musobaqa va uchrashuvlar, namunaviy mediadarslar hamda nazariy bilimlarni boyituvchi "Sport bilimdonlari cho'qqisi" musobaqalarini tashkil etish lozim.

Sport musobaqalari bayramona, ko'tarinki ruhda tashkil etilib, joylardagi "Yoshlik", "Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi" tashkilotlari va mahalla fuqarolar yig'inlari hamkorligida o'tkazilishi maqsadga muvofiq. Jumladan:

I — IV sinflar uchun:
quvnoq startlar;
shaxmat-shashka;
yengil atletika;
futbol;
"Mergan" harakatli o'yini.

IV—IX sinflar uchun:
yengil atletika (30—60 metrga estafeta yugurish);
sport o'yinlari (futbol, voleybol, basketbol, qo'l to'pi);
shaxmat-shashka;
— harakatli o'yinlar asosida musobaqalar o'tkazish bolalar o'rtasida sportni ommalashtirishga xizmat qiladi.

Oylik boshlanishidan oldin jismoniy tarbiya fani o'qituvchilari va sport to'garagi rahbarlari tomonidan ishlab chiqilgan kunlik, haftalik tadbirlar rejasi ta'lim muassasasi rahbari tomonidan tasdiqlanib, fan oyligi burchagiga osib qo'yiladi. Sport zali hamda yo'lakchalarni jismoniy tarbiya va sportga oid shiorlar bilan bezatish foydadan xoli bo'lmaydi.

Tuman, shahar XTMFMTTE bo'limi metodika kabinetlari ushbu tadbirlarni muvofiqlashtirib boradi. Shuningdek, yosh mutaxassislarga metodik yordam ko'rsatish uchun haftaning biror kuni (juma) belgilanib, ilg'or tajribali o'qituvchilar tomonidan amaliy o'quv-seminarlari tashkil etiladi. Ularda jismoniy tarbiya fanidan murakkab mavzularni ilg'or pedagogik texnologiya va interfaol metodlar asosida tushuntirishga, davra suhbatlari, to'garak mashg'ulotlari o'tkazishga, faol o'qituvchilarining ilg'or tajribalarini tuman, viloyat miqyosida ommalashtirishga urg'u beriladi.

Fan oyligi tadbirlariga qo'yiladigan talablar quyidagilardan iborat:

- davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturi talablari bajarilishida o'qituvchi hamda o'quvchilarning ijodiy hamkorligini tashkil etish;
- sport to'garaklari faoliyatini kuchaytirish, o'quv jarayoni bilan uzviyligini ta'minlash va boshqalar.

Fan oyligi tadbirlarini quyidagicha rejalashtirish tavsiya etiladi:

birinchi haftada AKT yordamida internet tarmog'idan foydalanib, ilg'or pedagogik texnologiya va interfaol usullar asosida namunaviy darslar tashkil etish. "O'zbekiston iftixori" unvoniga sazovor bo'lgan sportchilar va boshqa yangiliklar bilan o'quvchilarni tanishtirish, o'quvchilar o'rtasida eng yaxshi ijodiy ishlar ko'rik-tanlovini o'tkazish;

ikkinchi haftada ko'rgazmali chiqishlar, jismoniy tarbiyani keng targ'ib qilishga doir sahna ko'rinishlaridan iborat sport bayramini tashkil etish. Masalan, shu kunga qadar bo'lib o'tgan sport musobaqalarida maktab jamoasi erishgan yutuqlar namoyishi, milliy bayramlardagi ommaviy o'yinlar, jismoniy pauza turidagi mashqlar ko'rgazmasi va hokazo.

Maktab o'quvchilarining ko'rgazmali chiqishlarini tayyorlash, sport bayramlarini tashkil etishga barcha pedagog xodimlarni jalb etish, chiqishlar mazmuniga ko'ra xilma-xil bo'lishi hamda musiqiy ohanglar ostida o'tkazilishi maqsadga muvofiq;

uchinchi hafta keng ko'lamliligi, qiziqarli sport musobaqalariga boyligi bilan ajralib turadi;

to'rtinchi haftada esa sport turlari bo'yicha yuksak muvaffaqiyatga erishgan shaxslar, respublika va xalqaro sport musobaqalari g'oliblari bilan uchrashuvlar, davra suhbatlari tashkil etish. Shu bilan birga, faqat fan oyligi davomida emas, balki yil bo'yi o'quvchilarning sportga qiziqishini oshirish maqsadida Bolalar va o'smirlar sport maktablariga sayohatlar uyushtirish, iqtidoriga qarab turli sport to'garaklariga jalb etish lozim.

Oylik doirasidagi tadbir va sport musobaqalarida faol qatnashgan o'quvchilarni rag'batlantirish o'g'il-qizlarning sportga mehrini yanada oshirishi shubhasiz.

Fan oyligining yakunlari metodbirlashma, metodik va pedagogik kengashlarda muhokama etilib, jismoniy tarbiya fani mashg'ulotlarini yanada takomillashtirish yuzasidan tegishli vazifalarni belgilab olish zarur.

Furqat NAJIMOV,
Respublika ta'lim markazi bosh metodisti

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан 2013-2014 ўқув йилидан бошланғич синфларда ҳам инглиз тили фанини ўргатишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу борада хориж тажрибасини инобатга олиш билан бирга, юртимиз умумтаълим муассасаларида чет тилини ўргатиш бўйича ўзига хос услуб яратган ўқитувчилар маҳоратига ҳам таянилади. Айни пайтда Жондор туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказида ёшларга инглиз тилини ўргатиб келаётган малакали педагог Эркиной Ҳамдамованинг тажрибаси ҳам эътиборга молик.

150 НАФАР ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ УСТОЗИ

Tajriba maktabi

Эркиной юқори синфда ўқиб юрган кезлари келажакда қайси касб эгаси бўлиш борасида аниқ тўхтамга кела олмай қийналади. Шу орада уларга ёш, билимдон муаллима — Матлуба Файзиева инглиз тили фанидан дарс ўта бошлади. Эркиной мавзуларни пухта ўзлаштирар ва жадвалга ҳафтада бир соатгина қўйилган инглиз тили дарсини интиқиб кутарди. Қобилиятини пайқаган устози дарсдан сўнг у билан қўшимча машғулотлар олиб борадиган бўлди. Энди Эркиной қайси касбни танлаш ҳақида ортиқ қайғурмай қўйди. Чунки қатъий қарорга келиб бўлган эди.

1980 йили мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, ҳозирги Бухоро давлат университетининг чет тиллар факультетига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилинди. Инглиз тилини пухта ўрганишга астойдил интилган, танлаган касбини чин дилдан севадиган Эркиной учун талабалик дамлари қийин кечмади. Таҳсилни тамомлагач, Жондор туманидаги 15-, 1-мактабларда, 127-интернатда, 20-ИДУМИда, Қоровулбозор академик лицейида, Жондор иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 27 йил давомида болаларга инглиз тили фанидан сабоқ берди.

Ўтган йиллар давомида шогирдлари ва ота-оналар ўртасида катта ҳурмат қозонган Эркиной Ҳамдамованинг ўқувчиларидан 150 нафари инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб етишгани устоз-педагог фаолияти нечоғлик самарали бўлганидан далолатдир.

Хўш, муаллима бундай муваффақиятга, ўқувчилар меҳрию ота-оналар ҳурматига қандай эришди? Инглиз тилини пухта ўрганиш учун мулоқот қилиш имконияти чекланган оддий қишлоқ шароитида муаммоларни қандай енгиб ўтди? Қуйида Эркиной Ҳамдамова педагогик фаолиятининг айрим қирралари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Дарс безаги

Эркиной педагогик фаолияти давомида психологларнинг "Ўн кишига ўзингни тушунтиргунча, ўн кишини тушуниб муомала қилсанг, ҳаётинг осон кечади" қабилидаги ҳикматига амал қилиб яшади.

— Уй юмушларидан қўлим бўшаши билан эртанги дарсларимни ипидан игнасигача режалаштирардим. Ҳар бир мавзуни янгича, бир-бирини такрорламайдиган услубда ўтиш учун кўргазмали қуроллар тайёрлардим, — дейди муаллима фаолиятининг илк йилларини эслаб. — Ўша пайтлари инглиз тилини чуқур ўргатишга шарт-шароит етишмаслиги боис, ўқувчиларнинг қизиқишини орттириш мақсадида ҳар бир дарсни саҳналаштирардим. Ўқувчи дафтарига янги сўз ёздириб, қуруқ ёдлашга буюрмасдим. Чунки шунчаки ёд олинган сўзлар учтўрт кун ўтиб хотирадан кўтарилади. Агар тўртта янги сўз ёздирсам, ҳар бир ўқувчининг олдига яна шунча янги сўздан иборат икки-учта гап ёзилган карточкани қўйиб: "Шу ерда янги ёдлаган сўзинг борми?" деб сўрардим. Ўқувчи матнни синчиклаб ўқиб, ўша сўзни топгач, "Қани айт-чи, гапнинг маъносига тушундингми?" деган иккинчи саволни қўярдим. Албатта, тушунгани йўқ. Чунки матнда нотаниш сўзлар бор-да. Энди қўлига луғат китобини тутаман, нотаниш сўзлар маъносини топиб, гапларни билганича таржима қилади. Излаб топиш жараёнида сўзлар боланинг хотирасида муҳрланади. Қолаверса, ўқувчида луғат билан ишлаш, таржима қилиш кўникмаси шаклланади.

Муаллима янги мавзуни тушунтириб бўлгач, ўқувчиларда туғилиши мумкин бўлган саволларни айтиб, уларга ўзи жавоб беради. Табиийки, бу ўғил-қизларнинг зеҳнини ўткирлайди. Ҳолат 3—4 бор такрорлангач, болалар ҳам савол беришга ҳаракат қилади, ўрганади. Ўқувчи битта савол бериш учун бир неча дақиқа фикрлайди, мавзуга ҳар томондан ёндашади. Натижада мавзу осон ўзлаштирилади. Педагог ҳатто уйда ҳам мавзу юзасидан саволлар ўйлаб топишни вазифа қилиб беради.

Эркиной Ҳамдамова билан мулоқот асносида болалар дунёсига кириш, уларга пухта билим бериш учун ҳар бир мавзуни тушунарли, содда баён этиш, айниқса, инглиз тили ўқитувчиси учун ниҳоятда зарурлигини яна бир бор ҳис этдим. Муаллима ўғил-қизларда тил ўрганишга қизиқиш уйғотиш учун мавзуни бўлакларга бўлиб, ҳаётий мисоллар асосида тушунтиради.

— Педагог дарсни тили билан безаши, ўқувчилар, ота-оналар билан муносабатига соддалик ва камтарликни зеб қилиши, гўзаллигу мафтункорликни меҳнат ва ижодкорлик ила дарсларига сингдириши лозим, — дейди у. — Шунда шогирдлари унинг машғулотларини интиқиб кутади, маҳлиё бўлиб тинглайди. Ўқитувчи эса мақсадга эришади.

Мулоқот майдончаси

Чет тилини ўрганишда мулоқот майдонлари — амалиёт жуда зарур. Ҳафтада икки-уч соат дарс билан эса кутилган натижага эришиш қийин. Шу боис бошқа фанлардан ўрганганларини кундалик ҳаётида қўлласа, фақат дарсдагина керак бўладиган чет тилини ўзлаштириш ўқувчиларга зерикарлидек туюлар эди. Ушбу муаммонинг олдини олиш мақсадида Эркиной Ҳамдамова мулоқот майдончаларини яратишга интилди.

— Энг асосий мулоқот майдони фан тўгарагидир, — дейди муаллима. — Тўгаракда ўқувчиларни иқтидорига қараб гуруҳларга ажратаман. Ҳар бир гуруҳда алоҳида машғулот олиб бораман. Аслида, бундай усулларни дарсда ҳам қўллаймиз. Аммо дарс вақти чегараланган. Тўгаракда лаёқати, қизиқиши бор ўқувчи билан бемалол ишлаш мумкин. Тажрибамдан биламанки, синфдан ташқари тадбирлар ўқувчиларнинг билим эгаллаш самарадорлигини, фанга қизиқишини кескин оширади. Айтайлик, йил фасллари, турли байрамлар, шоиру ёзувчилар ҳаёти ва ижодига бағишланган кечалар, викториналарга ҳозирлик чоғида ўқувчилар шеър, қўшиқ ёдлайди, саҳна кўринишлари тайёрлайди, қўшимча адабиётларни варақлайди. Энг муҳими, бундай топшириқларни қизиқиб, чин кўнгилдан бажаради. Чунки эртага эгаллаган билимларини мактабдош, синфдош дўстлари олдида намойиш этишади-да. Шунингдек, инглиз тили кунлари, ҳафталиклари, ойликлари ҳам болалар учун мулоқот муҳити, тилни пухта ўрганиш имконини яратади. Тўғри, бундай тадбирлар ўқитувчидан катта меҳнат, кўп вақт, ижодкорликни талаб қилади. Аммо самарали дарс бераман, болалар билимини ошираман деган, меҳнатдан қочмайдиган педагог бунинг уддасидан чиқади.

Сир эмас, аввалларги оддий қишлоқ боласи учун хорижий тилни ўрганишдан деярли наф йўқ, бу билим унга ҳеч қаерда қўл келмас эди. Минг уринса ҳам, қишлоғидан чиқиб кетолмайдиган, хориждаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишни фақатгина орзу қиладиган йигит-қиз учун чет тили муҳим эмасди. Энди эса мулоқот майдонлари чексиз. Биргина интернетнинг ўзи ёшлар учун кенг майдон. Чет тилини билган ўқувчи тармоқдан ўзига керакли билимларни қидириб топиши, хорижлик тенгдошлари билан бемалол мулоқотга киришиши мумкин.

Ҳавас ва рағбат

2008 йили ўқувчиси Маҳбуба Ҳамроева фан олимпиадасининг республика босқичида инглиз тили фанидан 1-ўринни эгаллади. Шогирдини шу даражага етказгани учун Эркиной Ҳамдамова "Халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирланди. Рағбатдан болаларча қувонган педагог ўша куниёқ 80 ёшни қоралаган падари бузруквори – Кенжа ота ҳузурига ошиқди. Отахон нишонни эҳтиёткорлик билан қўлига олар экан, гўё пешонасидаги ажинлари ёйилгандек бўлиб, юзига майин табассум югурди. Кўзларида ялтираган ёшни артиб, «Ҳаммаси учун раҳмат», дея қизининг пешонасидан ўпди...

— Шу биргина "раҳмат" сўзи замирида отамнинг берган тарбияси, вояга етказиб, илмли қилгунча чеккан заҳматларидан розилигини, муваффақиятларимдан фахрланишини юракдан ҳис этдим, — дейди Эркиной. — Бу ҳолат кўз олдимдан ҳеч кетмайди. Ҳар эсларанимда маънавий рағбатнинг кучини сезаман. Шундан ўзим учун хулоса чиқариб, шогирдларимнинг кичик муваффақиятини, меҳнатини ҳам эътибордан қочирмай, рағбатлантиришга интиламан.

Болаларда ҳавас қилиш, эргашиш ҳисси кучли бўлади. Иштиёқи ҳавасга асосланса, чет тилини ҳам тез ўрганади. Шу боис педагог ўз соҳасида муваффақиятга эришган, нуфузли идоралларда ишлаётган, грант асосида чет элларда билим олиб қайтган, илмий изланишлар олиб бораётган, олий таълим муассасаларида талабаларга дарс бераётган шогирдларини ўқувчилар билан учраштиришга ҳаракат қилади, уларни мактаб тадбирларига таклиф этади.

«Баркамол авлод» ижодиёт марказидаги бугунги очиқ дарсда ота-оналар ҳам қатнашди. Ўқувчилар чорак давомида эгаллаган билимларига таяниб, фикрини ёзувда ифодалаш, тинглаб тушуниш, грамматик ва изохли тестларни ечиш каби шартлар бўйича ўзини кўрсатди, доскада, компьютерда машқ бажарди. Ўқитувчи эса уларнинг билим сифати, ютуқ ва камчиликларини баҳолаб борди. У машғулотни шундай режалаштирдики, на ўқувчи, на ота-она зерикди. Ўқувчилар бутун эътиборини иқтидорию билимини намойиш этишга сарфлаган бўлса, ота-оналар зийрак кузатувчиларга айланишди.

— Бу усулни анчадан бери қўллайман, — дейди педагог. — Жараёнда ўқувчи ҳар бир куни учун ҳисобот беришга ўрганади, фақатгина дарсга келиб-кетиш эмас, билим эгаллашга интилади. Ўртоқларидан ортда қолмаслик, ота-онаси ва бошқалар олдида хижолат чекмаслик учун ўз устида ишлайди. Ота-оналар эса боласининг дарсларни тайёрлаши, ўзлаштиришини назоратга олади.

Заҳмат — раҳмат

Муаллиманинг вақти тиғиз. Ишларини аниқ режа асосида амалга оширади. Шундай кунларнинг бирида дарслар тугагач, тўгарак машғулотларига киришди. Албатта, ўқувчилар унинг сабоқларини севиб тинглайди. Шогирдлари тиришқоқлигидан педагогнинг ҳам кўнгли тўқ. Бироқ ёш авлодга бир ҳарф ўргатиш, билим беришнинг машаққати катта. Бунинг устига, шу куни унга бириктирилган ёш ўқитувчилар билан ҳам маҳорат машғулотини олиб бориши лозим эди...

Иш куни ниҳоялаб, уйга қайтар чоғи вужудида қандайдир ёқимли чарчоқни сезди. Ҳа, машғулотлар кўнгилдагидек ўтди. Ўйлаган режаларининг барчасига улгурди. Энди уйга қайтиб, оила бекаси сифатида рўзғор юмушларини бажариши, тансиқ таом тайёрлаши керак. Шундай хаёллар билан қандай етиб келганини ҳам билмай қолди. Уни собиқ ўқувчиси Моҳичехра кутиб турган экан. У бу йил БухДУнинг чет тиллар факультетини тамомлайди. Касб амалиётини ўташ учун шаҳардаги мактаблардан бирини танлабди. Эртага кузатувчилар олдида биринчи дарсини ўтиб беришга ҳозирлик кўраётган экан.

Эркиной Ҳамдамова ишдан чарчаб қайтган бўлса-да, шогирдига сездирмасликка ҳаракат қилди. Моҳичехранинг очиқ дарси режасини кўриб, ўзгартириш, қўшимчалар киритди, методик тавсиялар берди.

— Ҳар сафар шогирдларим мустақил фаолият бошлаш арафасида турганда улардан кам ҳаяжонланмайман, — дейди Эркиной. — Гўё ўзимни биринчи дарсга кираётгандек сезаман.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Эртаси куни Моҳичехра сим қоқиб, дарси муваффақиятли ўтгани, кузатувчилар юқори баҳолаганини айтди. Муаллима ўша баҳони ўзи олгандек севинди. Агар ўтган куни чарчоқни баҳона қилиб, дарс режасини қўл учида кўрганида, эҳтимол, шогирди биринчи дарс муваффақиятини ҳис эта олмас эди...

— Чет тилини чуқур ўргатиш имкониятлари чекланган пайтларда ўқувчилар талабига қараб, ҳатто, танаффусда ҳам дарс ўтганмиз, — дейди тажрибали педагог сухбатимиз сўнгида. — Мустақиллик ёшларимиз учун улкан имкониятлар эшигини очди. Президентимиз қарорига биноан кейинги ўқув йилидан 1-синфдан бошлаб инглиз тили фани ўргатилади. Биз ўқитувчилар яратилаётган имкониятдан оқилона фойдаланиб, дарслар сифатини оширишга ҳаракат қилсак, келажакда етук кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Энг муҳими, ўғил-қизларимиз хорижий тилларда эркин сўзлашиб, халқаро ҳамкорлик алоқаларида Ўзбекистон манфаатини янада ишонч билан ҳимоя қила оладиган мутахассислар бўлиб етишади.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

“ОЛИЙГОҲ”НИНГ “ОҲАНРАБО”СИ

Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов қаламига мансуб бир шеърда шундай мисралар бор:

Сўзламоқ бўлсанг, гапингни
буркама пардоз билан.

Аввалари эътибор бермас эканман, кейинроқ эса жиддий ўйлай бошладим: гапга пардоз бериш мумкин эмасми? Ахир, қанчалик пардоз берилса, ўша гап равонлашиб, гўзаллашиб бормайдими? Тўғри, пардозлаш натижасида жумлалар услубан такомиллашиб, кишига эстетик завқ бағишлайдиган даражага етса, буни фақат ювватлаш керак. Лекин бунинг учун ўша сўзнинг луғавий маъноси, услубий имкониятлари, грамматик жиҳатдан бирикувчанлиги, энг муҳими, мантиқан тўғри қўлланиши каби омиллар ўз ўрнида бўлиши шарт. Акс ҳолда, гап қанчалик “пардозланган” бўлмасин, сўзловчи ўз мақсадини тўла-тўкис ифодалай олмайди.

Айни шу ҳақиқатни англаб етган кишилар эса ҳар доим сўзни ўринли ишлатишга, имкон қадар жонли сўзлашувдаги, ҳаммага тушунарли сўз ва иборалардан фойдаланишга интиладилар. Зарур ўринларда бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ёки янги сўз ясаш пайидан бўладилар. Масалан, профессор Абдурауф Фитрат раҳбарлигида иш олиб борган “Чиғатой гурурунги” аъзолари ўтган асрнинг 20-йилларида бир қанча сўзларни ижод қилганлар. Мана шундай сўзлардан бири — ***ўқитувчи*** сўзидир. Бугунги кунда ***ўқитувчи***нинг ясама сўз эканлиги умуман билинмайди, ваҳоланки, бу сўз рус тилидаги *учитель* сўзининг қолипи асосида ясалган. ***Ўқувчи*** сўзи хусусида ҳам айни шундай фикрни билдириш мумкин. Негаки, *ўқувчи* ҳам русча *ученик* сўзи асосида ясалган ҳамда халқимиз нутқига ўзлашиб кетган. Чунки бошқа бир тил қолипи асосида сўз ясаш — калкалашнинг нозик қонуниятларини яхши ўрганган фидойи маърифатпарвар боболаримиз жуда тўғри йўлдан борганлар. Бунда ҳар икки тилнинг ўзига хос(специфик) хусусиятлари: сўз ўзаги англатадиган луғавий маъно, ясовчи қўшимча, ўзак ва қўшимча бирикувидан кейинги товушларнинг мослашуви ҳар томонлама ҳисобга олинган. Натижада кўп йиллар давомида қўлланган *муаллим* сўзи ҳам ўз ўрнини янги ясалма — *ўқитувчи*га бўшатиб берган. Аслида, *муаллим* сўзи бадиий услубда ўз ўрнига эга бўлса-да, *ўқитувчи* сўзи асосий муқобил сифатида адабий ўзбек тилидан мустаҳкам жой олди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида — ҳали мустабид тузум ўз ҳукмронлигини сақлаб турган бир пайтда — республикамизда миллий онгнинг ўсиши, миллий гурурнинг кўтарилиши сезила бошлади. Бу, аввало, она тилимиз мавқеини кўтариш, унга давлат тили мақомини бериш ҳаракатида яққол намоён бўлди. Халқ ўз эрки, мустақиллиги учун курашни айнан она тилига бўлган муносабатда англаб етди: она тилимиз фидойилари сафи кенгайди, ўзбек тилининг ижтимоий мавқеини ошириш орқали мустақилликка эришиш ҳаракати кучайди.

Айни ўша йиллари она тилимизнинг софлиги масаласи, қўтарила бошлади аниқроғи, уни интернационал сўзлардан тозалаш тенденцияси авж олди. Натижада 50—70-йиллари мажбуран сингдирилган кўп сўзлар ўзбекча ёки арабий ва форсий сўзлар билан алмаштирилди. Масалан, *секретарь, процесс, район, область* каби сўзлар ўрнига умумхалқ томонидан

Millat mulki

қўллаб-қувватланган, ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрига мос истилоҳлар таклиф этилди. Шу сабабли ҳам бугунги кунда *котиб, жараён, туман, вилоят* каби сўзлар лисоний эҳтиёжимизни қондириб, барча ўзбекларга тушунарли сўзлар тарзида хизмат қилиб келмоқда.

Тўғри, мазкур миллат вакили сифатида ҳар биримиз муайян сўз ва истилоҳларни таклиф этишга ҳақлимиз. Лекин ўша сўз мавжуд терминологик талабларга жавоб бериши лозим. Акс ҳолда, бундай қўлланмалар она тилимиз тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Бунга ***олийгоҳ*** сўзи ёрқин мисол бўлади. «Олийгоҳ»-нинг «оҳанрабо»си борми, бирмадим, ҳар ҳолда оғзаки нутқда ҳам: кундалик ўзаро мулоқотларда, радиодаги эшиттириш ва телекўрсатувларда бот-бот такрорланади. Ҳатто нуфузли нашрларда ҳам *олийгоҳ*ни тез-тез учратиш мумкин. Биз бу ҳақда анча йиллар олдин ҳам ўз фикримизни билдирган эдик. Лекин мавжуд меъёрий ҳужжатларни билмасликми ёки оддий эътиборсизлик оқибатидами, ҳануз кўпгина ўринларда ***олийгоҳ*** сўзи ишлатиб келинмоқда. Хўш, *олийгоҳ* сўзи *институт* ўрнига тўлиқ муқобил бўла оладими? Кузатишлар шуни кўрсатадики кўпчилик юртдошларимиз назарида *олийгоҳ* сўзининг қўлланилиши ўринли. Аслида-чи? Масалага объектив жиҳатдан қаралса, бутунлай бошқача манзара намоён бўлади. Аввало, *олийгоҳ* сўзи терминологик талабларга тўлиқ жавоб бера олмайди. Грамматик жиҳатдан олиб қаралганда ҳам *олийгоҳ*да бир талай камчиликлар борлиги маълум. Бинобарин, *олийгоҳ* қўшма сўз бўлиб, *олий*(сифат) сўзи ва *-гоҳ* қўшимчаларидан таркиб топган. Ваҳоланки, *-гоҳ* қўшимчаси(аффикси) фақатгина от туркумидаги сўзлардан от ясайди: *сайилгоҳ, сайргоҳ, манзилгоҳ* каби. *Олий* сўзи эса, сифат туркумига мансуб бўлиб, унга *-гоҳ* қўшимчасини қўшиб бўлмайди. Демак, адабий ўзбек тилининг грамматик меъёрларига амал қилинадиган бўлса, *олийгоҳ* типида қўшма сўзлар ясаш мумкин эмас.

Шу ўринда ушбу ҳолатга мантиқий ёндашиб, асл ҳақиқатни ҳам англаб олиш мумкин. Дарвоқе, *олийгоҳ* сўзи *институт* ўрнида олинар экан, *университет, академия, консерватория* ўрнида қайси сўзни қўллашимиз керак бўлади? Ахир, улар ҳам олий таълим муассасаси номини билдиради-ку? Агар, *олийгоҳ* қабул қилинадиган бўлса, *институт, университет, академия, консерватория* сўзлари орасидаги маъно нозикликлари — дифференциал белгиларини йўқотиб, тушунчалар ғариблашади. Бундай ҳолатда тил табиатига зид иш бўлади.

Айни пайтда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим. Агар *институт* ўрнида *олийгоҳ* қўлланадиган бўлса, яъни олий мактаб назарда тутилса, *ўрта мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи* ўрнида *ўртагоҳ* сўзи қўлланадими? Кўринадики, ҳар бир сўзнинг қўлланишида терминологик, грамматик ва мантиқий меъёрлар бузилмаслиги лозим. Акс ҳолда, тилда бош-бошдоқлик пайдо бўлади, амалиётда қийинчиликлар юзага келади. Шу сабабли ҳам ҳар бир сўз, истилоҳ ўз ўрнида қўллангани маъқул. Умумистеъмолда бу[illegible] типдаги [illegible]ларни пухта ўйла[illegible]ўриш, айн[illegible], илмий ва расмий услублари матнларда *олийгоҳ* каби сўзлардан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, ўринли қўлланган ҳар бир сўз она тилимизнинг бебаҳо бойлигидир.

Равшан ЖОМОНОВ,
филология фанлари номзоди

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ

Унда даражаланиш қонуниятининг ўрни

Бутун борлиқ даражаланиш қонунияти асосида яшайди. Табиат, жамият, тафаккур ҳодисалари ана шу қонуният асосида ўзаро муносабатда бўлади. Қиёслаш, таққослаш, хулосалаш ва умумлаштириш ақлий операциялари ҳам шу қонуниятга асосланади. Демак, тафаккурни ўстириш амалиётида ушбу қонуниятга таяниш бош мақсади — ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини юксалтириш бўлган она тили таълимининг барча машғулотларига сингдириб юборилиши керак. Бу ўқувчиларнинг тил бирликларини танлаш ва ўзаро фарқларини онгли идрок этган ҳолда қўллаш малакасини ҳосил қилишда жуда муҳимдир. Тезроқ мақсадга ўтиш учун қуйидаги қўрилмаларга мурожаат этамиз: *Сизга келдим. Сиз учун келдим. Сизни деб келдим.* Ҳар учала гапда ҳам “атайлаб” маъноси мавжуд. Бироқ жўналиш келишиги шаклида бу маъно ўта кучсиз, қўмакчили қурилмада нисбатан ўртача, *деб* феъли қатнашган гапда эса кучли. Шу боисдан унда “атайлаб” маъноси “миннат” маъносини ҳам юзага чиқаради. Демак, бунда “келишик — қўмакчи — феъл” даражаланишини билган ва даражаланувчилар орасидаги маъновий фарқни уққан ўқувчи уларнинг таъсир кучини ҳам англаб етади.

Сизни деб келдим гапи тингловчига нутқий вазият, ўзганинг фикрини қай тарзда қабул қилиш нуқтаи назарига қараб турлича таъсир этади. Некбин киши гапдаги “атайлаб” маъносини бўртириб қабул қилса, бадбин шахс асосий эътиборини “миннат”га қаратади. Бу эса сўзловчидан ўз нутқий мақсадини амалга ошириш учун келишик, қўмакчи ва феъл-дан қай бирини қўллашни белгилаб беради. Бунда сўзловчи ўзининг тингловчига муносабатини, тингловчининг ҳолати ва феъл-атворини, тил бирликларининг маъновий ва вазифавий фарқларни онгли идрок этиши лозим.

Мен сизни машинада ташлаб келаман гапини турли феъл-атвор эгалари турлича қабул қилганларини кузатганман. Баъзилар гап мазмунини салбий бўёқсиз идрок этган бўлса, айримлар ундаги сўзнинг нотўғри қўлланишига эътибор қаратишган. Мазкур гапнинг яна икки варианти бор: *Мен сизни машинада қўйиб келаман. Мен сизни машинада олиб бориб қўяман.* Бу гаплар ҳам феъларнинг “*ташлаб келмоқ — қўйиб келмоқ — олиб бориб қўймоқ*” даражаланиш муносабати асосида тузилган. Даражаланиш қаторида “ижобий маънонинг ортиб бориши” белгиси етакчилик қилади. Ижобийлик бўёғи *ташлаб келмоқ* феълида нол даражада бўлса, *олиб бориб* феълида “қуюқ”лиги билан характерланади. Бунда ҳам сўзловчининг тил имкониятини эгаллаганлик даражаси, нутқ одоби ва тактикаси тингловчига таъсир этиш омиллари бўлиб хизмат қилади. Сўзловчи томонидан тингловчининг ёш, мартаба, феъл-атвор хусусиятлари инобатга олинниши нутқий тактикаси сифатида амал қилади.

Ўзбек тилида урғу, одатда, сўзнинг охирги бўғинига тушиши, сўзга қўшимчалар қўшилиши билан урғунинг кўчиб бориши, аммо айрим қўшимчалар сўз охирида келганда урғу олмаслиги ҳақидаги қоидаларни ўқувчиларга ўргатиб борамиз. Лекин нутқ вазияти, сўзловчининг нутқий мақсадига кўра урғу қоидалар доирасидан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Турли маъно ифодалаш мақсадида сўзловчи урғуни турлича қўйиши мумкин. Мисолларга эътибор қаратамиз:

Бораман.
Бораман.
Бораман.

Бунда биз атайлаб гап охирида тиниш белгисини бир хил қўйдик. Сиз ўзингиз урғули бўғинни зарб билан талаффуз қилиш асосида иккинчи гапга ундов, учинчи гапга сўроқ белгисини қўясиз. Чунки одатдаги ўрнида урғу шунчаки даракни, ўзакда бўлганда “норозилик” маъносини, урғу олмайдиган қўшимчага тушганда эса сўроқ маъносини ифодалайди. Бунда урғунинг сўзнинг қайси ўрнига тушиши асосидаги даражаланишини кузатамиз. Албатта, бунда ҳам тил ҳодисасидаги даражаланиш сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабати, сўзловчининг мақсади ва нутқий вазият каби омиллар билан уйғун ҳолда кечади.

Тил бирликлари орасидаги фарқларни аниқлаш, тегишли хулосага келиш, сабабларини изоҳлаш ва шу асосда уларни қўллай олиш малакасини ҳосил қилиш тил имкониятларини эгаллашда катта аҳамиятга эга. Бунда ҳам даражаланиш қонуниятига таяниш лозим. Масалан, она тили дарсликларидан бирида ўқувчиларга шундай топшириқ берилади:

3-topshiriq. Quyidagi sodda fe’llarni qo‘shma fe’llarga aylantiring va ular ishtirokida gaplar tuzing:

Sergaklanmoq, rivojlanmoq, moylamoq, jimimoq, susaymoq, qo‘llamoq, chirqillamoq, xavotirlanmoq.

Namuna: *sergaklanmoq — sergak bo‘lmoq. Hamma narsadan ogoh va sergak bo‘lishimiz kerak.*

Бу топшириқни ҳам бевосита даражаланиш қонунияти, даражаланиш қаторидаги тил бирликларининг фарқли хусусиятларини билиш ва шу асосда уларни қўллаш малакасини ҳосил қилиш машқлари билан бойитиш лозим. Бунинг учун, масалан, намуна сифатида берилган *сергакланмоқ* феълини *сергак бўлмоқ, сергак тортмоқ* қўшма феъллари билан даражаланиш қаторида қуватиш имконияти яратилиши лозим. Топшириқ гап тузиш билан тўхтатилмаслиги керак. Чунки асосий мақсад гап тузиш эмас, балки ўқувчиларнинг тузилган гаплар орасидаги мазмуний умумийлик ва фарқларни уқа билиши, содда ва қўшма феъл орасидаги ўхшашликлари, нозик маъновий фарқларни англаб етиши, умуман олганда, тил имкониятини эгаллашидир. Машқ ва топшириқлар системаси ҳам ҳодисалар замиридаги сабабларни англашга ундовчи, мустақил фикрлашга олиб келадиган “Нега?” саволи моҳиятига эга бўлиши лозим. Зеро, “Нега?” сўроғи кашфиётларнинг онасидир”(Шопенгауэр).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, она тили таълимида ўқувчиларнинг даражаланиш қонунияти даражаланиш ўхшашлик ва фарқларни англаш малакаси — мустақил фикрлай бошларининг бир кўринишидир. Зеро, мустақил фикрлаш — катта бойликдир.

Хосият СУВОНОВА,
Шайхонтохур туманидаги 59-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси

ЛИРИК ҚЎШИҚЛАРДА РАМЗ

Иккинчи мақола

Халқ қўшиқларининг турлари кўп. Фольклоршунослик умумлаштирилиб, халқ лирикаси, деб атайди ва маросим ҳамда номаросим қўшиқларга ажратади. Номаросим қўшиқларнинг салмоқли қисмини лирик қўшиқлар ташкил этади. Бу ўринда “лирика” истилоҳи тор маънода ишқ-муҳаббат, маиший мавзу қуйланган қўшиқларга нисбатан қўлланган.

Ўзбек халқ лирик қўшиқлари асосан тўртлик шаклида ривожланган. Тўртликлар маълум оҳанг йўлларига солиб куйланади. Тадқиқотчилар тўртликларнинг ҳар бирини мустақил асар сифатида баҳолашади. Чунки уларда муайян бир тугал воқелик ифодаланган. Лирик қўшиқ ҳажмининг кичиклиги матндаги ҳар бир сўз зиммасига бошқа жанрларга нисбатан ортиқроқ бадиий “юк” ортади. Поэтик санъатлар орасида рамз биргина сўз орқали кенг мазмун ифодалаш имкониятига эга. Бу эса, айнан қўшиқ жанрининг талабларига мос келади. Лирик қўшиқларда рамзнинг бошқа поэтик санъатларга нисбатан кенг қўлланилишини шу сабаб билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Поэтик рамз қўшиқлардаги мавҳум тушунчаларни, англатиш қийин бўлган нозик туйғуларни, турли руҳий ҳолатларни бир ёки бир неча сўз орқали ифодалаш имкониятини беради. Қўшиқнинг оҳангдорлигини таъминлайди, бадиий қимматини оширади.

Лирик қўшиқларда қўлланилувчи рамзларнинг асосий турларини кўрсатмай, уларнинг етакчи хоссалари ҳақида бирор-бир фикр айтиш қийин. Чунки адабиёт каби фольклор ҳам сўз санъати сифатида шундай бир жонли жараёнки, уни қотиб қолган, ўзгармас ҳодиса деб қарамаслик керак. Қўшиқ инсон қалбининг бадиий иниъикоси сифатида вужудга келар экан, қуйловчи ўз туйғулари, кечинмалари, орзу-истакларини ифодалашида асрий анъаналар ўзанидан бориб, сўзнинг бадиий имкониятини онг остидаги “улкан билим” қуввати, иқтидори билан оча олади. Бу ҳол халқ поэзиясининг сўнмас қудрати – поэтик сўзнинг чексиз имкониятининг фаоллашуви орқали воқе бўлади. Ушбу мураккаб ижодий жараёнда лирик қўшиқларда қўлланилувчи поэтик рамзнинг икки муҳим типини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўзак рамзлар.
2. Вазият рамзлар.

Ўзак рамзлар. Рамзий образларнинг бу икки типини қарама-қарши қутблар сифатида қарамаслик лозим. Улар қўшиқнинг ижро жараёни давомида бир-бирини тўлдиради, бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ юради.

Биз рамзий образнинг барча қўшиқлар учун умумий бўлган анъанавий туб поэтик маъноли шаклини ўзак рамз деб атадик. “Ўзак” истилоҳи тилшуносликдан олинди. Маълумки, аглютинатив тиллар(жумладан, ўзбек тили)да сўз асосини ўзак ташкил этади. Ўзакка турли сўз ясовчи қўшимчалар бирикиб янги маъноли сўзлар ҳосил бўлади. Синтактик муносабатни билдирувчи қўшимчалар эса сўзларни бир-бирига боғловчи восита вазифасини бажаради. Тилдаги ўзак сўз каби ўзак рамз ҳам муайян матнда турли сифат, белгилар билан келиб ўз поэтик маъносини бирон-бир тарзда кенгайтиради, ойдинлаштиради. Масалан, рўмол образининг барча қўшиқлар учун туб рамзий маъноси “оила”. Аммо рўмол муайян қўшиқ таркибида турли сифат, ҳолатларда тасвирланади. Ушбу тўртликни олиб кўрайлик:

Рўмолимни ювдирдим,
омон ёр,
Қора толга илдирдим,
омон ёр.
Қора толи қурисин,
омон ёр,
Қароқчига олдирдим,
омон ёр.

Қўшиқ таркибида ўзак рамзлар: “рўмол” — оила, “тол” — ошиқ йигит туб рамзий маънога эга. “Рўмолимни ювдирдим” мисрасида “ювдирдим”, “қора толга илдирдим” мисрасидаги “илдирдим” ўзак рамз “қўшимча”лари ҳисобланиб, бу сўзлар рамзий образнинг ушбу қўшиқдаги бадиий мазмуни янада аниқлашувига ёрдам бермоқда. Матнда “қўшимча”лар ўзак рамз маъноси билан боғлиқ рамзий мазмун олмоқда. Яъни “ювилган рўмол толга илинди”, лирик қаҳрамон — маъшуқа ошиқ йигитга ишониб, унга ўз қалбини бағишлади. Ширин оила, бахтли турмуш қурамиз, деб ўйлади. Лекин маъшуқ бевафолик қилди. Маъшуқа: “Қора толи қурисин, қароқчига олдирдим” деб “рўмолидан” — оила ҳақидаги ширин орзу-истакларидан айрилганлигини қуйламоқда. Қўшиқда “рўмол” туб ўзак маъносини “қўшимча”лар ёрдамида кенгайтириб, “оила ҳақидаги ўй, севги” поэтик маънога эга бўлмоқда. “Тол” анъанавий “ошиқ” маъносида келмоқда.

Ўзак рамз лирик қўшиқларда қўлланилувчи асосий рамз бўлиб, унинг етакчи хоссалари сифатида қуйидагиларни санаш мумкин:

1. Ўзак рамз асрлар давомида шакланиб, тарихан халқнинг қадимий миф, турли эътиқодий дунёқарашларига бориб боғланади. Чунки “ҳар қандай миф рамз, лекин ҳамма рамзлар миф эмас”(А.Ф.Лосев).
2. Ўзак рамз барқарор шакл ва мазмунга эга.
3. Ўзак рамзнинг поэтик маъноси образ ичида яширин келади. Муайян матнда бу яширин поэтик маъно халқнинг ушбу образ ҳақидаги тасаввур, тушунчалари асосида англашилади.
4. Рамз-образнинг поэтик ва луғавий маъноси ўртасида билвосита боғланиш мавжуд. Образ билан боғлиқ тасаввурлар унутилса, рамзий маъно англанмай қолади.
5. Ўзак рамзнинг туб маъноси муайян матнда рамзий “қўшима”лар воситасида ўз маъно кўламини муайян даражада кенгайтиради. Баъзи ҳолатларда ўзак маънога бевосита боғлиқ янги поэтик маъно ҳосил бўлиши мумкин.

Ўзбек халқ лирик қўшиқларида айни хусусиятларга эга ўзак рамзлар асосан уч хил шаклда учрайди:

1. Соф лексик бирлик шаклидаги ўзак рамзлар.
2. Бирикма кўринишидаги ўзак рамзлар.
3. Гап тузилишидаги ўзак рамзлар.

Соф лексик бирлик шаклидек, “музни тешдим — кўпни кўрдим, сувни ичдим — бирни севдим, лой эканин билмадим — ёри борин билмадим” поэтик маъносига ўйғун келади. Демак, сувнинг лойқаланиши — муҳаббатнинг поймол бўлиши хиёнат экан.

Ўзак рамзнинг гап тузилишидаги кўриниши соф лексик бирлик ва бирикма кўринишидаги рамзларга нисбатан ихчам, барқарор шаклга эга эмас. Уларда сўзнинг поэтик ва луғавий маъноси ўртасидаги боғлиқлик рамзий мазмунни англашда восита бўлади. Шу жиҳати билан ғап тузилишидаги ўзак рамзлар вазият рамзларга яқин туради. Ҳар бир гап тузилишидаги ўзак рамз тарихига қаралса, уларнинг вазият рамзлар асосида ўсиб чиққанлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг ўзак рамз ва вазият рамзларнинг оралиғидаги ўзига хос босқич эканлигини кузатиш мумкин. Даврлар ўтиши давомида улар соф лексик бирлик ва бирикма кўринишидаги рамзий образларга айланиши мумкин. Соф лексик бирлик ва бирикма шаклидаги ўзак рамзлар таркибида бевосита табиий қиёс асосида пайдо бўлган рамзлар ана шу тараққиёт йўлини босиб ўтган.

Вазият рамзлар. Лирик қўшиқларда инсон табиатининг турфа иқлимлари, унинг турли туйғу, орзу-интилишлари қисқа ва содда шаклда ифодаланади. Бу ифода аксарият ҳолатларда табиат лавҳалари билан инсон ҳаётига боғлиқ мотивларнинг параллел берилиши орқали реаллашади. Чунки “... инсон руҳи сурх новдаларнинг сўлишини, денгиз махлуқларининг сув остида вазмин сузишини, саратонда айни туш пайтида эсган шабадада ялпоқларнинг шитирлашини сўнгсиз бир шавқ билан тинглайди. Уларга бутун вужуди билан яқинлигини англайди. Уларнинг тимсолида ўзини кўради”(В. Г. Белинский). Лекин бу яқинлик шунчаки тасодиф натижаси эмас. Инсон табиатдан ўз руҳиятининг ифодасини авлоддан-авлодга ўтиб келаётган турли тасаввур-тушунчалар, кундалик кузатишлар, тажриба ва билимлар орқали ажратиб олади. Ушбу жараён инсоннинг онгости замиридаги “улкан билим” билан бевосита боғлиқ кечади. Айни жараёнда инсоннинг тасаввури, кузатиши, билимларининг ҳосиласи турли нарса ва предметларни кўнглининг қиёсий ифодачисига айлантиради. Натижада табиат ва қалб ҳодисалари ўртасидаги ички уйғунлик асосида янги рамзлар, образлар туғилади. Вазият рамзлар айнан ушбу уйғунликнинг маҳсулидир. Масалан:

Ўчоқ бошида қумғон,
Атрофи баланд қўрғон.}А
Ёргинамга етолмай,
Юрак бағрим бўлди қон} Б
Қадамизда гуллар очилсин.

Келтирилган тўртликда табиий тасвир ўз ҳолича вазият рамзни юзага келтираётгани йўқ: бу тасвир(А) лирик қаҳрамон ҳаётига тегишли мотив(Б) билан қиёсланмоқда. Натижада табиат тасвири рамзийлик касб этмоқда. Қўшиқдаги “қумғон” ва “қўрғон” образларини вазият рамзга айлантирмоқда. Қумғоннинг қоралиги, оловда куяётгани, қўрғоннинг баланд ва чиқиб бўлмаслиги замирида лирик қаҳрамоннинг ҳаёти, дарди, орзу-армонлари умумлашмоқда. Қумғон унинг юраги — барбод бўлган севгиси, амалга ошмай қолган умидлари. Қўрғон уни шу ҳолга солган, орзу-умидларига зид бўлган кучларнинг рамзий ифодачисига айланмоқда. Бу ўринда лирик қаҳрамон ҳеч қандай қўрғон ичида, ўчоқ бошида ўтиргани йўқ. У ёт кучлар тазйиқида севган кишисидан айрилганлиги, севганига етишолмаслигини, соғинчини куйлаяпти, холос.

Қўшиқ — инсон руҳиятининг ойнаси. Ойна сирлари рамзий образлар замирида яширин келади. Рамзий образ имуқуқи илғансагина қўшиқда ифодаланган мазмун англанади. Биз навбатдаги мақолаларда қўшиқларда кенг қўлланилувчи рамзий образларга алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

Шомирза ТУРДИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ЎЗБЕК тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2013-2014 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш тури
		1-синф		
1	Алифбе	Р.Сафарова ва б.	2013	бепул
2	Ёзув дафтари	М.Ғуломов	2013	бепул
3	Она тили	Т.Ғаффорова ва б.	2013	бепул
4	Ўқиш китоби	Т.Ғаффорова ва б.	2013	бепул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2013	бепул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2013	бепул
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц.	2013	бепул
8	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2013	бепул
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2013	бепул
10	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2013	бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2013	бепул
12	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2012	очиқ савдо
13	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
14	Конституция алифбоси	О.Каримова	2012	очиқ савдо
15	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	бепул
		2-синф		
1	Она тили	К.Қосимова ва б.	2012	ижара
2	Ўқиш китоби	Т.Ғаффорова ва б.	2012	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б	2010	ижара
4	Математика	Н.Абдураҳмонова ва б	2012	ижара
5	Атрофимиздаги олам	П.Ғуломов ва б.	2012	ижара
6	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2012	ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исақова ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2012	кутубхона фонди очиқ савдо
11	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2012	очиқ савдо
12	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
13	Меҳнат таълими	Ҳ.Санақулов ва б.	2013	очиқ савдо
		3-синф		
1	Она тили	С.Фузаилов ва б.	2012	ижара
2	Ўқиш китоби	М. Умарова ва б.	2012	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б	2010	ижара
4	Математика	С. Бурҳонов ва б.	2012	ижара
5	Табиатшунослик	А.Бахромов	2012	ижара
6	Одобнома	М. Холиқова ва б.	2012	ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исақова ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2012	очиқ савдо
11	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2012	очиқ савдо
12	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
13	Меҳнат таълими	Ҳ.Санақулов ва б.	2013	очиқ савдо
		4-синф		
1	Она тили	Р.Икромова ва б	2013	ижара
2	Ўқиш китоби	С.Матчонов ва б.	2013	ижара
3	Русский язык	М.Алиев ва б.	2013	ижара
4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2013	ижара
5	Табиатшунослик	А.Бахромов	2013	ижара
6	Одобнома	М.Холикова ва б.	2013	ижара
7	Мусиқа	О.Иброҳимов	2013	ижара
8	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2013	ижара
9	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	ижара
10	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2013	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2012	очиқ савдо
12	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э. Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
13	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
		5-синф		
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2011	ижара
2	Адабиёт (1,2- қисм)	С.Аҳмедов ва б.	2011	ижара
3	Русский язык	О.Қодирова	2011	ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара
5	Немис тили "Deutsch"	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара
6	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара
7	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара
8	Математика	Б.Ҳайдаров	2011	ижара
9	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара
10	Табиий география бошланғич курси	П.Ғуломов ва б.	2011	ижара
11	Информатика	Д.Камолиддинова	2012	ижара
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
13	Мусиқа	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди
14	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
15	Меҳнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2013	очиқ савдо
16	Тасвирий санъат	Т.Қўзиев ва б.	2013	очиқ савдо
17	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2012	очиқ савдо
18	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2012	очиқ савдо
19	Соғлом авлод асослари	Д.Аҳмедова ва б.	2007	кутубхона фонди
		6-синф		
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2013	ижара
2	Адабиёт	С.Аҳмедов ва б.	2013	ижара
3	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	ижара
5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара
6	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2013	ижара
7	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2013	ижара
8	Математика	М.Мирзаахмедов ва б.	2013	ижара
9	Физика	Н.Турдиев	2013	ижара
10	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2013	ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2013	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
14	Мусиқа	С.Бегматов ва б.	2013	ижара
15	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
16	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2012	очиқ савдо
17	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2012	очиқ савдо
18	Соғлом авлод асослари	Д.Аҳмедова ва б.	2007	кутубхона фонди
19	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
20	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
		7-синф		
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2013	ижара
2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2013	ижара
3	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	ижара
5	Немис тили «Assalom, Deutsch»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара
6	Француз тили	В.Бухин ва б.	2013	ижара
7	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов	2013	ижара
8	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	ижара
9	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	ижара
10	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	ижара
11	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	ижара
12	Кимё	И.Асқаров ва б	2013	ижара
13	Зоология	О.Мавлонов	2013	ижара
14	География	П.Ғуломов ва б.	2013	ижара
15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
16	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
17	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2013	ижара
18	Тасвирий санъат	А. Сулаймонов ва б.	2013	ижара
19	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
20	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2012	очиқ савдо
21	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2008	очиқ савдо
22	Соғлом авлод асослари	Г.Солиҳова ва б.	2007	кутубхона фонди
23	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
		8-синф		
1	Она тили	М.Қодиров ва б.	2010	ижара
2	Адабиёт	С.Олимов ва б.	2010	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
6	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2010	ижара
7	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
8	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
9	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
12	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
13	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
14	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
15	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
16	География	П. Мусаев ва б.	2010	ижара
17	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
18	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
20	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
21	Соғлом авлод асослари	Г.Солиҳова ва б.	2007	кутубхона фонди
22	Солиққа тортиш асослари	Э.Сариқов ва б.	2008	кутубхона фонди
		9-синф		
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2010	ижара
2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2010	ижара
3	Русский язык	Ю.Азизхонова ва б.	2010	ижара
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
5	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева.ва б.	2010	ижара
6	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С. Раҳмонов ва б.	2010	ижара
7	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
9	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2010	ижара
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
12	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
13	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
14	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
15	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
16	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
17	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А. Қаюмов ва б.	2010	ижара
18	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
20	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	очиқ савдо
21	Соғлом авлод асослари	Г.Солиҳова ва б.	2007	кутубхона фонди
22	Солиққа тортиш асослари	Э.Сариқов ва б.	2008	кутубхона фонди
23	Дунё динлари тарихи	У.Жўраев ва б.	2012	очиқ савдо
24	Юксак маънавият — енгилмас куч (ўқув қўлланма)	М.Қаршибоев ва б.	2009	очиқ савдо

Устод Асқад Мухтор фақат ёзадиган эмас, кўп ўқийдиган, мутолаа қилишдан сира тинмаган адиб эди. У ўқимаган китоби йўқ деб тан олинган саноқли билимдон ижодкорлардан эди. Бу моҳир сўз санъаткорининг шеър ва достонлари, ҳикоя, повесть ва романлари, жаҳон драматургиясидан таржималари, адабий-танқидий ва даврнинг долзарб масалаларига бағишланган публицистик мақолалари ўқувчи томонидан ҳамиша қизиқиш ва манфаатдорлик билан кутиб олинарди.

Доимо ҳаёт, замона, инсон умрининг маъноси ҳақидаги ўй-фикрлар билан банд адиб етук адабиётшунос олим, синчков мунаққид эди. Унинг вафотидан кейин «Мумтоз сўз» нашриётида босилиб чиққан мақолалар, суҳбатлар, тундаликлар, адабий қайдлар, библиографиядан иборат «Шеър — шоир виждони»(2011) китоби бунга ёрқин далил бўла олади.

ЎзМУ тадқиқотчиси Муаттар Жўраева тўплаб, нашрга тайёрлаган мазкур салмоқли китоб атоқли сўз санъаткорининг адабий-танқидий қарашлари тўғрисида анча тўлиқ тасаввур беради. Тўплам «Тирик мўъжиза», «Бош мезон — ҳақиқат», «Ижодкор масъулияти», «Шеър — шоир виждони», «Устозлар ҳақида», «Қардош қаламлар», «Дилкаш суҳбатлар», «Олтин кўприк», «Ижод лабораторияси» каби бўлимлардан иборат.

«Шеър — шоир виждони» китобига ёзувчининг васиятлари каби янграган «Уйқу қочганда...(Тундаликлар)» рисоласи ҳам киритилган.

Улуғ адибнинг «Сиз қандай ўқийсиз?» мақоласи шу тўпламдан олиб босилмоқда.

Маҳмуд САЪДИЙ

Асқад МУХТОР

СИЗ ҚАНДАЙ ЎҚИЙСИЗ?

Ўқишлар ҳар хил бўлади. Биров эрмак учун ўқийди, биров ҳордиқ чиқариш учун; биров ўқиётган китобини илмий таҳлил қилиш учун, яъни «бурч юзасидан». Биров бўлак машғулот бўлмаганидан, вақт ўтказиш учун, биров ниманидир билиб олиш учун, биров асардаги воқеага, қаҳрамоннинг тақдирига қизиқиб ўқийди. Шунинг учун атрофимизга қарасангиз, ҳар хил китобхонни кўрасиз: кимдир трамвайда, метрода, тиқилинчда китобга тикилган, кимдир навбатга турганда ёки пляжда дарров сумкасидан хатчўп солинган китобни олиб очади, биров хиёбонда, қош қорайиб қолган бўлса ҳам, китоб варағидан кўз узолмайди. Кимдир диванда чалқанча ётиб, кимдир иш столида жиддий ўтириб, қўлига қалам олиб ўқимоқда... Китобхонлар ҳам, ўқишлар ҳам ҳар хил. Ҳар кимнинг ўз ўқиши бор. Буларнинг ҳеч бири фойдадан холи бўлмаса керак. Менинг ўқишим бировга ибрат бўлиши шарт эмас. Шундай бўлса ҳам, савол тушгандан кейин жавоб бериш керак.

Мен учун ўқиш — меҳнат. Бу, эҳтимол, касбимиз тақозосидан, яъни ўқишнинг профессионал туридир. Лекин меҳнат деган билан, завксиз, ҳаяжонсиз ўқиш эмас, албатта. Қийин завқлар бўлади — меҳнат завқи, ижод завқи, ўқиш завқи... Ҳар ҳолда, шунчаки эрмак ёки ҳордиқ чиқариш эмас-да. Буни «актив ўқиш» десам ҳам бўлади — ниманидир билиш, қаҳрамонга ҳамдардлик, ҳислар жўшқинлиги, воқеаларни бевосита ва ассоциатив қабул қилиш, ўйга толиш... Ҳаммаси энергия талаб қилади.

Бундай жиддий, актив китобхонликни шунчаки ҳарфхўрлик ёки фақат «бурч юзасидан» ҳиссиз ўқиш билан чалкаштирмаслик керак. Ҳиссиз китобхон текстдаги ҳар бир вергулни, ҳар бир имло хатосини таъкидлаб ўқиши ва айни вақтда китобхонликнинг асосий завқий моҳиятини четлаб ўтиши мумкин. Ҳассос китобхон эса, аксинча, тил материалини, шаклий воситаларни сезмай ҳам қолади, чунки у китобдаги руҳий оламда яшайди.

Албатта, ёшликда биз ҳам ўқишга бундай ҳиссий актив, жиддий иш деб қарамаганмиз. Ҳаёт тажрибаси ортган сари, бошқа ишлардагидек, ўқишнинг ҳам ҳалисини олади киши. Гёте кекса ёшида: «Мен китоб ўқишга бир умр ўргандим», деб эътироф этган эди.

Ёшликда учраган китобни аралашига ашаддий чанқоқлик билан ўқиб ташлайверардик. У пайтлар бизни олам сирлари ўпқондек тортар, одамлараро муносабатлар ўзи бир чексиз дунё, ёшлик синчков, ҳамма нарсани тезгина билиб олгинг келади, руҳий ҳарорат ҳам, ақлий кайфият ҳам ўзгарувчан, ҳали тиниқмаган. Китобларни танлаб ўтирмай, очкўзлик билан ўқишга ташланар эдик. Мана бу янги чиққан китобни эртагача ўқиб қўйишим керак, деб таъкидлардим ўзимча ва шуни, вақт қанча зиқ бўлишига қарамай, албатта бажарардим. Студентлик вақтимда Жўрабой Аҳмаджонов деган «китобхўр» билан бир ётоқда яшардик. У биздан ёши улуғ, ўша вақтдаёқ Фалончи тахаллуси билан «Муштум»чи шоир сифатида танилган, китоб деганни тўхтовсиз конвейер усулида ўқир эди. Балки менга шундай одамлар таъсир этгандир. «Бир соат олдин турсанг, бир кечаю кундуз 24 соат эмас, 25 соат бўлади», дерди Жўрабой ака. Биз бир неча соат эрта туриб, бир неча соат кеч ҳам ётардик. Куч-қувватни қаёқдан олардик — билмайман. Ёшлик экан-да.

Ҳозир, очиғи, ўқишда ҳам анча оғиркарвон бўлиб қолдим: танлаб ўқийман. Бу балки «оғиркарвон»ликдан ҳам эмасдир, ёш улғайиши, тажриба ортиши билан ўзингга пишиқроқ бўлиб, доно бўлиб қоларкансан: агар ҳозирги шароитда, «информацион портлаш» даврида танламай ўқилса, китоб денгизида ғарқ бўлиб, ўқиш бефойда машғулотга айланиб қолиши мумкин.

Биз энг китобхон мамлакатда яшаяпмиз. Китоблар тиражи чиндан ҳам астрономик саноқда. Бунинг устига, бениҳоя юксак маънавий талаблар. Кино, театр, телевизор. Вақт етадими? Қачон ўқиш керак китобни?

Лекин, менингча, ҳақиқий китобхон учун бундай савол йўқ. Фақат қандай ўқиш керак, деган савол бўлиши мумкин.

Мана эндиликда ҳалиги айтганим ҳиссий актив ўқиш, танлаб ўқиш, менинг завқли меҳнатим, эзгу одатим етилди.

Замон тақозоси билан гоҳо тез ўқиш техникаси ҳақида баҳслар қўзғалиб туради. Бу менга унча ёқмайди. Чунки «тез ўқиш техникаси», айниқса, бадиий асар ўқувчилар учун фақат зиён келтириши мумкин. Ахир, роман ўқиганда истаган вақтингизда саҳифани ёпиб, бирпас уёқ-буёққа юрмасангиз, хаёл сурмасангиз, уйғонган туйғуларни танангизга яйратмасангиз, бир нафас ўйчан жилмайиб ўтирмасангиз, маза қилмасангиз, бундай ўқишнинг нима кераги бор?! Биз кибернетик машина эмас-ку, ҳаяжонлар, кечинмалар биз учун қиммат. Пейзажларни, лирик чекинишларни туширибмиз, фақат воқеасини ўқийдиган ёшлар чиққан, муаллимлар улардан кўп нолишади. Аслида, улар бунга ўзлари ҳам айбдор, чунки бундай рационалистик ўқиш сўз санъатининг моҳиятини англамасликдандир, бадиий сўзга муҳаббат эса мактабда туғилади.

Қисқаси, тез ўқиш техникасига мурожаат қилгандан кўра мен танлаб ўқиш йўлини афзал кўраман. Танлаш эса қийин эмас. Ҳозир китобхонга ёрдам катта. Кўплаб рефератив журналлар, информацион марказлар, библиографик қўлланмалар бор, аннотация, тавсиянома ва проспектлар чиқиб туради. Қолаверса, менга профессионал тажриба айтиб туради: бу китоб — примитив, бари аввалдан маълум. Ёзувчилар китобни тезроқ «танийдилар». Аммо бу — энди китобхонлик осон бўлиб қолди, деган сўз эмас. Аввало, танлаган билан ўқийдиган китоб камайиб қолмайди. Масалан, мен кўп классик асарларни ёшликда, ғўрликда ўқиганман. Уларни эндиги кўз, эндиги савия билан қайта ўқиш бутунлай бошқа. Мен янги яхши нарсалар чиқмай ё топилмай қолса(сўнгра ҳамма вақт янги китоб қидиравериш ҳам шарт эмас), Балзакни ёки Леоновни қайта қўлимга оламан. Катта ёшда бу — табиий эҳтиёж бўлиб қолади, гоҳо мутлақо ўқимаган, янги асар ўқигандай бўласиз. Ўзингизнинг эски қайдларингизга дуч келасиз, у вақтда нега бу жойига аҳамият берганлигингизни тушунолмайсиз, гоҳо биринчи гал қандай кайфиятда ўқиганлигингиз ғиришира хотирага келади. Қўлингиздаги китоб умрлик йўлдошингиздек қадрдон туюлиб кетади. Шу ўринда айтиб ўтай, мен китобни қўлда қалам билан ўқийман. Бу ҳам «актив ўқиш» деганимнинг бир элементи бўлса керак. Китоб агар ўзимники бўлса, аямасдан қайдлар қиламан. Бошқалар чизса ҳам хафа бўлмайман. Бу — китоб ўқилганлигини билдиради. Буни китобга ҳурматсизлик деб ҳисобламайман. Китоб ўқиш учун олинган, безак учун эмас.

Ҳозир китобни мебель ўрнига олиб, чиройли томони билан токчага териб қўйиб, уни фақат чангини артиш учунгина қўлга оладиган мешчанлар чиққан.

Iqtibos

Улар елиб-югуриб, ҳамма янги китобларни уйларига ташийдилар. Кейинги вақтда яхши китоб танқислиги шунга боғлиқ, чамамда. Мешчан дефицитни дарров сезади, унга бари бир, у маънавий бойликни ҳам ўзининг ибтидоий инстинктини қондирадиган моддий бойликка айлантиради. У яхши мебель, гилам, биллур каби буюмларни улгуржи олиб уйига ташиганда, биз нафратимизни билдирар эдик. Энди мешчан ўзини китобга ураяпти. Китоб ташиган кишига нафрат ҳам билдириб бўлмайди.

Китоб ўзи эса ожиз, ҳимоясиз.

Одил Ёқубов Улуғбек хазинасини — китобхоналарини қутқазиб қолган фидойи одамлар ҳақида роман ёзди. Сиз китобни табиий офат ва ҳалокатлардан, ёнғиндан, ёввойи босқинлардан қутқазганларни биласиз. Ҳозир китобни мешчан чангалидан қутқазиш керак бўлиб қолди. Бунинг йўлларини излашимиз керак.

Бу қавс ичида айтилган гап бўлди. Ўқиш ва қайта ўқиш масаласига қайтайлик.

Қайта ўқиш? Бу бизнинг давримизда баъзиларга анохронизмга ўхшаб кўриниши мумкин. Бир ўқишга вақт йўғ-у, қайта ўқиши нимаси? Лекин, аминманки, қайта ўқиш одатинй тарк этсангиз, бу маънавий қашшоқликка олиб борадиган йўллардан бири. Биз кино ва спектакларни, яхши рақсларни қайта кўра оламиз, яхши опера, яхши қўшиқни қайта-қайта тинглаймиз...

Ҳа, қайта ўқиш — китобхонликда алоҳида бир соҳа. Бу ўқиш деган завқли меҳнатнинг катта бир маъноли қисми. Яна айтаман, ўқиш тартибга тушиб мукаммаллашгани билан бу меҳнат осонлашиб қолгани йўқ. Замонавий адабиёт мураккаб, хусусан, прозаик тўқиманинг ўзи, кўпинча, фикр ва туйғулардан кристаллашган бир концентрат бўлиб қолдики, бу ҳам актив ҳассос китобхонликни талаб қилади.

1980

Sharh

ЮҚОРИ ТИНИҚЛИКДАГИ ТАСВИР

ёхуд электротехника соҳасида юзага келган кучли рақобат натижалари хусусида

Телевизор ишлаб чиқаришга ихтисослашган дунёнинг етакчи компанияларини доим бир йирик муаммо қийнаб келади: телевизор, бу — узоқ муддат фойдаланиш учун мўлжалланган қурилмадир. Одатда одамлар ўз телевизоридан бутунлай эскиргунича ёки бирор қисми бузилиб, тузатишнинг имкони топилмагунча фойдаланавериш ади. Шунинг учун ҳам электроника компаниялари одамларни янги телевизор сотиб олишга ундаш учун тинмай янгидан-янги усулларни ўйлаб топишмоқда. Масалан, 2000 йиллар бошида юқори тиниқликка эга HD-экранли (инглизча, HD — high-definition – юқори сифатли), орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ундан-да тиниқроқ Full HD-экранли (инглизча, full high-definition – тўлиқ юқори сифатли) телевизорлар ишлаб чиқарилди.

Мобиль телефонлар оламида юз берган юксак технологиялар инқилоби телевидео аппаратураларни ҳам четлаб ўтмади. Хусусан, қўшимча имкониятларга эга "уч ўлчамли"—3D-телевизорлар билан биргаликда Интернетга уланувчи, овозли ва имо-ишорали буйруқларни қабул қила оладиган "ақлли", яъни илмий тил билан айтганда, Smart TV телевизорларининг пайдо бўлишини кўрсатишимиз мумкин.

Америкалик машҳур кинорежиссёр Жеймс Кемерон ўзининг "Аватар" фильмини уч ўлчамли форматда томошабинларга тақдим қилганидан сўнг бошқа кинокомпаниялар ҳам янги 3D-форматидаги фильмларни ишлаб чиқаришга киришиб кетди. Аммо 3D-телевизорлар истеъмолчилар орасида кутилган имкониятни ярата олмади, бу формат ҳозирги кунда инқироз ёқасида турибди, десак муболаға бўлмайди.

Буни ўз вақтида пайқаган электроника компаниялари харидорларнинг телевизор сотиб олишга бўлган қизиқишини янада кучайтириш мақсадида янги "блокбастер" маҳсулот ишлаб чиқаришга киришиб кетишди. Натижада ўта юқори тиниқликка эга Ultra HD-экранли (*инглизча, ultra high-definition – ультраюқори сифатли*) телевизор вужудга келди. Бу турдаги телевизорларнинг ўта юқори тиниқликдаги экранга эгалигини кўрсатиш учун Ultra HD, UHD ёки оддийгина қилиб 4K-телевизор дея атала бошланди.

4K – Ultra HD

Бугунги кунда кенг экранли, рақамли форматдаги фильмларни суратга олишда ишлатиладиган Full HD-формати 1920x1080 пиксел фрейм (2K) кўрсаткичига эга бўлса, янги 4K стандарти ундан ҳам вертикал, ҳам горизонтал жиҳатдан икки баробар катта – 3840x2160 пиксел. Бу эса, ўз навбатида, янги форматдаги тасвирларнинг аввалгиларига қараганда умумий ҳисобда тўрт баробарга тиниқроқ бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари, экран сиғимининг пропорционал равишда катталашиши юқори сифатли HDTV форматидаги 16:9 нисбатни сақлаб қолиш имконини беради.

Шу йил январь ойида АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган технологиялар соҳасидаги йилнинг энг йирик воқелиги — CES-2013 маиший электроника кўргазмасида Ultra HD атамаси барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Кўргазмада Sony, Samsung, LG, Sharp, Toshiba ва Panasonic каби бир қатор йирик компаниялар ўзининг янги Ultra HD-телевизорларини намойиш қилди. Ушбу янги авлод телевизорлари шу йилнинг ўзидаёқ сотувга чиқарилади.

Аммо муаммо шундаки, телевизорлар экранининг сиғими ошиб боришига қарамасдан, меъёрий фойдалилигининг камайиб бориш қонуни ўз кучини кўрсатмай қолмайди. Масалан, одатий экранлардан (360p ёки 480p) бирданига 720p сифатидаги HD-форматига ўтиш инсоният учун сифат борасида жуда катта бурилиш ясаган бўлсада, бироқ навбатдаги босқич – 1080p сифатидаги Full HD-форматига ўтиш кўп ҳолларда унчалик ҳам сезиларли аҳамиятга эга бўлмади. Шуни инобатга оладиган бўлсак, инсон кўзи ва телевизор экрани ўртасидаги нормал масофа сақланган ҳолатда Full HD-экран билан 2160p сифатидаги янги Ultra HD-экран ўртасидаги фарқ деярли сезилмайди.

Ultra HD-телевизор кўрсатадиган ультраюқори тиниқликдаги тасвирни таъминлаш учун, ўз навбатида, ўша тасвир ҳам 4K-форматида бўлиши лозим. Ҳозирча бундай форматдаги контент (видеотасвир) деярли мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам янги 4K-телевизор сотиб олганларнинг бошланишига унда 2K-тасвирларни кўриб туришига тўғри келади.

Бунинг устига, 4K-форматидаги тасвирларни суратга олувчи камералар ҳам унчалик оммалашмаган. Ҳисоб-китобларга кўра, 4K-форматидаги битта тўлиқ фильмни суратга олиш учун кетадиган сарф-харажат ва меҳнат 2K-форматидаги олтита фильмни суратга олишга етар экан.

Мутахассисларнинг тахминларига кўра, 5-6 йил ўтиб кўпчилик 4K-телевизорларни сотиб ола бошлайди. Ана ўшандагина ультраюқори тиниқликдаги видеотасвирлар билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топиши мумкин. Бундан 2-3 йил аввал худди шундай муаммо 3D-телевизорлар билан юз берган эди: одамлар уч ўлчамли телевизорларни сотиб ола бошлаган вақтда бундай форматдаги видеолар жуда танқис эди. Мана, бугунги кунга келиб ишланаётган янги фильмларнинг аксарияти 3D-форматида суратга олинмоқда, аввал тасвирга олинган кинолар ҳам махсус технологиялар ёрдамида уч ўлчамда қайта ишланаяпти.

Яна бир катта муаммо Ultra HD-экранга мос келадиган тўлақонли 4K-видео маҳсулотларни етказиб бериш билан боғлиқ. Ҳисоб-китобларга қараганда, мавжуд технологиялар ёрдамида 4K-форматда суратга олинган ўртача 2,5 соатлик фильмнинг ҳажми 5,6 терабайт (1 терабайт = 1000 гигабайт) бўлар экан. Эслатиб ўтамиз, 1 терабайт ҳажмдаги қаттиқ дискли компьютерлар эндигина оммалаша бошлади. Шуни инобатга оладиган бўлсак, 4K-форматидаги битта фильмни сақлаш учун 5та энг замонавий компьютернинг биргаликдаги хотираси ҳам камлик қилиши мумкин.

Бугунги кунда дунёдаги мавжуд энг сўнгги технологиялардан фойдаланиб, 4K-форматидаги фильмнинг сифатини бузмаган ҳолда ҳажмини кичрайтирсак ҳам уни ҳаво орқали эфирга узатиш жуда мушкул. Бундай фильмларни Интернет орқали тарқатишнинг эса, ҳозирча умуман имкони йўқ.

Маълумки, асл сифатли 2K-форматдаги фильмларни икки қатламли махсус Blu-ray дискка жойлаганда, унинг ҳажми 50 гигабайттача бориши мумкин. Шундай экан, 4K-фильмларни ҳам бундай дискларга сиғдириш учун, балки, учинчи ва тўртинчи қатламларни ҳам яратиш талаб этилар.

Технология ҳеч қачон ривожланишдан тўхтамайди. Бутун дунё олимлари айни дамда 4K-видеоларни ихчам ҳажмга келтиришнинг янгича усулини ўйлаб топиб, уларнинг ҳажмини кичрайтириш ёки катта ҳажмли файлларни эфирга узатишнинг (ёки Интернет орқали тарқатишнинг) янгича технологиясини ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб бормоқда.

Хусусан, Японияннинг Sony компанияси CES-2013 маиший электроника кўргазмасида ўзининг Ultra HD-телевизорларини намойиш қилиш билан бирга шу йилнинг ёзида 4K-видеотасвирларни Интернет орқали тарқатадиган сервисни ишга туширишини ҳам маълум қилган.

Икки муҳим кўрсаткич

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш лозим. Телевизор экранига оид иккита муҳим кўрсаткич мавжуд. Биринчиси, унинг сиғими бўлса, иккинчиси қайси технологияга асосан ишлангани. Экран сиғими борасидаги жиҳатларни юқорида айтиб ўтдик. Телевизор экранини ишлаб чиқариш технологиялари эса унинг сиғимига қараганда бироз ортда қолмоқда – анъанавий технологиядан LCD-дисплейларга, кейинчалик органик ёруғлик диоди асосида ишловчи LED-технологияларга, 2011-2012 йилларга келиб эса, OLED-технологиясига етиб келдик. Уч ўлчамли (3D) экранлар ҳамда овозли ва имо-ишорали буйруқлар орқали бошқариладиган "ақлли" Smart TV платформаси эса телевизорларнинг имкониятларини ошириш учун қўлланиладиган элемент, холос.

Жумладан, OLED-технологияси экраннинг аниқлиги, рангларни узатиш, тезлик ва бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича бугунги кундаги барча технологиялардан устун туради ва томошабинга "чексиз" сифатдаги тасвирни намойиш этади. Мазкур технология асосида ишланган телевизорларни Samsung ва LG компаниялари ўтган йилиёқ сотувга чиқарган бўлса-да, аммо уларда экраннинг ажрата олиш кўрсаткичи Full HD билан изоҳланади.

CES-2013 кўргазмасида Японияннинг Sony ва Panasonic компаниялари жаҳонда биринчилардан бўлиб телевизор саноатидаги энг сўнгги икки ютуқ – 4K-экран ва OLED-технологияси асосида ишловчи Ultra HD-телевизорларни реклама қилди. Бу қурилмаларнинг 2014 йилда оммавий сотувга чиқарилиши кутилмоқда. Жорий йилда сотувга чиқарилиши мўлжалланган Ultra HD-телевизорларнинг экрани эса LED-технологиясига асосланган.

Дунёдаги юқори сифатли илк HD-видео 1998 йили эфирга узатилган бўлса, ушбу форматнинг бутун дунё бўйлаб кенг тарқалишига қарийб ўн йил вақт сарфланди. Бундан келиб чиқадики, HD ва Full HD-форматларининг давомчиси саналаётган Ultra HD-видеоларнинг ҳам кенг ёйилиши 2025 йилларга тўғри келса ажаб эмас.

Ultra HD-телевизорларнинг яқин йиллар ичида истеъмолчилар орасида кенг оммалашувига тўсқинлик қиладиган яна бир омил унинг нархи билан боғлиқ. Мисол учун, Sony тақдим этган 84-дюймлик (экран диагоналининг узунлиги 2 метр 13 сантиметр) Ultra HD-телевизорнинг нархи камида 25 минг АҚШ долларгача туради.

Хўш, юқорида тилга олинган муаммоларни эътиборга оладиган бўлсак, ультраюқори тиниқликка эга 4K-формат ҳам 3D каби муваффақиятсизликка учрамайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Буни вақт кўрсатади.

Ҳамза ФОЗИЛЖОНОВ тайёрлади.

PDF ФАЙЛЛАРНИ ЎҚИЙДИГАН ДАСТУР

Барчага маълумки, электрон китоб ва ҳужжатлар интернет саҳифаларига асосан ихчам ва қулай кўринишга эга PDF форматида жойлаштирилади. Бундай маълумотлардан фойдаланиш учун эса уларни аввало юклаб олиш ва шундан кейингина «Adobe Reader» дастури орқали кўриш мумкин. Веб-браузер дастурларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Mozilla» компанияси мазкур масаланинг осон ечимини тақдим этди.

«The Next Web» сайтида келтирилишича, компания бошқарувчилари ўзларининг навбатдаги «Firefox 19» браузерини ишлаб чиқарган.

Windows учун мўлжалланган мазкур дастурдан OS X ва Linux операцион тизимлари орқали ҳам бемалол фойдаланиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар яқин кунларда «Firefox 19»нинг Android мобил телефонларига мўлжалланган шаклини ҳам яратиш режалаштирилаётганини маълум қилди.

«Firefox 19» дастурининг афзалликларидан бири шундаки, у орқали интернетга жойлаштирилган PDF файлларни бевосита кўриш ва фойдаланиш мумкин. Бу эса қўшимча дастурий воситалар яъни, махсус «Adobe Reader» дастуридан фойдаланишга ҳожат қолдирмайди.

ИММУНИТЕТНИ ЗАИФЛАШТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Сир эмаски, айни дамда шамоллаш ва бошқа вирусли касалликлар авж олмоқда. Бундай вазиятларда касалликларга қарши организмнинг табиий чидамлилигини сусайтирувчи омиллар ҳақида бохабар бўлиш фойдадан холи эмас. Британиялик олимлар статистик маълумотларни умумлаштирган ҳолда инсон иммунитетини заифлаштирувчи бир қатор сабабларни санаб ўтишди.

Олимларнинг қайд этишича, организмнинг илк «душмани» меъёридан ортиқ шакар истеъмол қилиш ҳисобланар экан. Чойни ширинлик билан ичишни хуш кўрувчи кишилар организмининг турли вирусларга қаршилик кўрсата олиш хусусияти тахминан 3 бараваргa қисқарар экан. Аммо бу жараён вақтинчалик бўлиб, 5-6 соатгина давом этади.

Иммунитет пасайиб кетишининг иккинчи сабаби эса организмда суюқлик миқдорининг меъёрида бўлмаслиги билан боғлиқ. Кўпчилик халқлар томонидан севиб истеъмол қилинувчи чой, кофе каби ичимликларнинг организмдаги суюқлик "идиши"ни тўлдирмай, аксинча, сувсизланишга олиб келиши тажрибаларда исботланди.

Кейинги ўринни эса инсонни доимо «таъқиб» қилувчи стресс эгаллади. Барчага маълумки, стрессни келтириб чиқарувчи гормон иммун ҳужайраларининг камайишига олиб келиб, организмнинг курашувчанлик хусусиятини сўндириб боради.

Олимлар аниқлаган навбатдаги «душман» уйқусизлик ҳисобланади. Меъёрида давом этган уйқу барча аъзоларнинг, хусусан, иммун тизимининг қайта тикланишига ёрдам беради. Меъёрдаги уйқуга қанча эътиборсиз бўлинса, организмнинг иммунитетни қайта тиклаш хусусияти ҳам йўқолиб бораверади.

Шу каби маълумотлардан келиб чиққан ҳолда мутахассислар иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида 10 турдаги маҳсулотларни истеъмол қилишни тавсия қилмоқда. Жумладан, С витаминига бой мева ва сабзавотлар, айниқса, тарвуз ва карам, шунингдек, денгиз моллюскаси иммунитетни мустаҳкамловчи маҳсулотлар сирасига киритилган. Бодом мағзи эса иммунитетни кўтариш билан бирга, кишининг стресс таъсиридан тезроқ халос бўлишига кўмаклашар экан. Мазкур рўйхатдан буғдой ҳам ўрин олган.

КЕЛАЖАК БИНОЛАРИ ЛОЙИҲАСИ

ARUP фирмаси муҳандислари 2050 йилга бориб пайдо бўладиган турар жой биноларининг тахминий лойиҳасини ишлаб чиқишди. Уларнинг фикрича, бу вақтга келиб дунё аҳолиси 9 миллиардга етиб, уларнинг 75 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Кўпчилик инсонлар турмуш даражасининг асосини эса «ақлли» қурилмалар ташкил қилади. Шундай экан, муҳандислар олдида шаҳар биноларининг самарадорлигини таъминлаш муаммоси пайдо бўлади.

Мутахассислар келажак биноларини қуришда энг аввало ҳаракатчанлик, ихчамлик, самарадорликни эътиборга олиш керак, деган фикрни илгари суришди. Улар тақдим этаётган лойиҳага кўра бино қисмларини кўчириш, ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш мумкин. Шунингдек, бинонинг юқори қаватлари ҳам шаҳар транспортлари билан боғланиши кўзда тутилмоқда. Яъни, махсус арқон ёрдамида юргизиладиган тоғ темир йўли станцияси ёки метро айнан бино ичкарисига жойлашади.

Уларнинг тахминига кўра, 2050 йилга бориб иншоотлар энергияни бевосита атроф-муҳитдан олишга мўлжалланади.

Бу пайтда шаҳар майдонини тежаш мақсадида қўкаламзорлаштириш ишлари вертикал кўринишда олиб борилиши кутилмоқда. Баланд бинолар таркибидаги очиқ боғларга нафақат ўсимликлар, балки қушлар ва ҳашаротлар ҳам кўчириб олиб келинади. Гидропоника (тупроқсиз, озуқа моддалари эритмасида ўсимлик ўстириш) соҳаси билан биргаликда, сунъий озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашга катта эътибор қаратилиши режалаштирилган.

ЧЕКИШНИНГ ЗАРАРИ ЯНА ИСБОТЛАНДИ

Техас штати университети олимлари тамаки тутуни терида турли тошмалар тошишини жадаллаштириб, оқибатда Альцгеймер касаллигининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлигини аниқлади.

Биологлар тадқиқот объекти сифатида кемирувчилардан фойдаланиб, уларни уч гуруҳга бўлган ҳолда кузатув ишларини олиб борди. Биринчи гуруҳдаги кемирувчилар «чекмайдиган»лар сирасига киритилган бўлса, иккинчиси нисбатан камроқ тутун ютувчилар, кейингилари эса махсус тутунли қафасда нисбатан кўпроқ вақт сақланди.

Тажриба натижасида «чекувчи» сичқонларда Альцгеймер касаллигининг дастлабки белгилари бошқа кемирувчиларга нисбатан эртароқ намоён бўла бошлаган.

Олимларнинг таъкидлашича, мазкур тажрибани ўтказишдан асосий мақсад, аввало, чекишнинг инсон саломатлиги учун зарарли эканини яна бир бор исботлаш, шу билан бирга, Альцгеймер сингари касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашдан иборат эди.

Сурайё СИРОЖИДДИНОВА тайёрлади.

JUMLADA JAHON
yangiliklari o'xabarlari

Ҳиндистон жанубидаги Андхра-Прадеш штатининг маркази ҳисобланган, «Google» ва «Microsoft» каби йирик IT-компаниялар идоралари жойлашган Ҳайдаробод шаҳрида рўй берган иккита кучли портлаш оқибатида 20 киши ҳалок бўлган, 119 нафари жароҳатланган.

Америка Қўшма Штатларидаги Лас-Вегас шаҳрининг йирик меҳмонхоналар жойлашган қисмида рўй берган отишма натижасида автоҳалокат рўй бериб, уч кишининг қурбон бўлгани ҳақида хабар тарқатилган.

«Swissinfo.ch» манбасининг хабар беришича, Швейцариянинг тоғли ўрмонларида ёввойи ҳолда яшовчи уч ёшли айиқнинг аҳоли манзилларида тез-тез пайдо бўлиб, кишиларда қўрқув ва ваҳима уйғотгани боис жонивор отиб ташланган.

АҚШнинг Колорадо, Ил-линойс, Миссури, Канзас, Арканзас, Небраска ва Айова штатларини бутунлай қоплаб олган кучли қор бўрони оқибатида мактаблар, давлат идоралари вақтинчалик ёпилган, йирик автомагистралларда қатновлар чекланган, йўл-ҳаракати ҳодисалари туфайли уч киши ҳаётдан кўз юмган.

«France-Presse» агентлигининг хабар беришича, Антарктика океанида «Sea Shepherd» экологик ҳаракати ҳамда Япония кит овловчилар кемаларининг тўқнашуви натижасида экологлар кемаси жиддий талафот кўрган, аммо инсонларга ҳеч қандай зиён етмаган.

Жоржия штати(АҚШ)нинг Мак-Даффи Логана Маршалл округи бортида етти нафар йўловчи бўлган самолётнинг қулаши натижасида беш киши ҳалок бўлган, бахтли тасодиф туфайли омон қолган учувчи ва бир йўловчи яқин атрофдаги шифохонага ётқизилган.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятнинг ҳар бир жабҳасига замонавий коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги чоратадбирлар изчил давом эттириб келинмоқда.

Давлат солиқ идоралари томонидан бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларга "soliq.uz", "hisobot.uz" сайтлари орқали 22 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Мазкур хизматлар солиқ идораларига бормасдан, ортиқча вақт сарфламасдан ўз вақтини тежаган ҳолда керакли маълумотларни олиши, тегишли ҳисоботларни электрон тарзда топшириш каби қулайликлар яратади.

Ромитан туман давлат солиқ инспекцияси ўтган йил давомида 12та семинар ўтказиб, аҳоли орасида ушбу интерактив хизматлар ҳақида маълумот берилмоқда. Оммавий ахборот воситаларда ҳам тарғибот ишлари олиб борилаяпти. Мамлакатимизда яратилаётган бу каби имкониятлардан аҳолини ўз вақтида бохабар қилиш соҳа ходимларининг муҳим вазифаларидан саналади.

Бобур БОЗОРОВ,
Бухоро вилояти Ромитан тумани ДСИ бошлиғининг биринчи ўринбосари

Бугунги кунда мамлакатимизда Халқаро электралоқа иттифоқи тавсияларига мувофиқ шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларини «0» ва «00» кодлари орқали амалга ошириш бўйича тегишли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

АЛОҚА РАҚАМЛАРИ ЎЗГАРМОҚДА...

Жумладан, 1-босқичда Тошкент шаҳар телекоммуникация тармоғи рақамлаш тизимидаги шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларида фойдаланилаётган «8» ва «8-10» дан «0» ва «00» префиксларига ўзгартириш, 2-босқичда эса республиканинг бошқа ҳудудлари телекоммуникация тармоқлари рақамлаш тизимини «8» ва «8-10» дан «0» ва «00» префиксларига ўзгартириш амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, махсус алоқа рақамларини «0Х» ва «0ХХ» дан «1ХХ» ва «10ХХ» га ўтказиш, 1-босқичда Тошкент шаҳрида, 2-босқичда республиканинг бошқа ҳудудларида амалга оширилади. Жумладан, Ёнғин хавфсизлиги хизмати алоқа рақамлари ҳам эндиликда «01» эмас, балки «101» этиб белгиланганини эслатиб ўтиш жоиз.

Камолиддин НОДИРОВ,
Тошкент шаҳар ЁХБ 12-ХЁХО 23-ХЁХҚ смена бошлиғи, лейтенант

Ta'lim fidoyilari

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ОЛИМ

Мутахассислар фикрича, дидактика икки муҳим саволга жавоб бериши лозим: "Нимани ўқитиш керак?" ва "Қандай ўқитиш керак?". Биринчи савол бевосита педагогнинг маҳоратига, малакасига, жаҳонда, фан оламида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан қай даражада хабардорлигига боғлиқ. Иккинчи саволга эса педагогик технологиялар жавоб беради.

Педагогика фанлари доктори, профессор Нурали Сайидаҳмедов қарийб қирқ йиллик фаолияти давомида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, миллий менталитетимиз, таълим сиёсатимизга мос замонавий педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этиш устида изланишлар олиб бораётир. Оддий бир иморат қуриш учун ҳам аниқ чизма лозим бўлгани каби, дарсларни ҳам технологик қурилмаларсиз тасаввур этиб бўлмайди, дея ҳисоблайди домла.

Яқин-яқингача мамлакатимиздаги барча ўқув муассасаларида таълим беришнинг оғзаки, кўрсатмали ва амалий методларидан фойдаланиб келинди. Аммо, айтиш жоизки, таълим-тарбиянинг бош мақсади мустақил фикрли ёшларни тарбиялашдан иборат экан, анъанавий усуллар кутилган натижани бермайди. Шундай ўқитиш механизми яратилсаки, ҳамма жойда соат механизмидек бир хилда ишлаб турса, деган экан машҳур педагог олимлардан бири. Албатта, таълим соҳаси жуда мураккаб ва ижодий жараён. Машғулот мавзуси бир хил бўлса ҳам, дарслар аудитория талабларидан келиб чиқиб, бир-бирига ўхшамайди. Бироқ пухта ўйланган таълим технологиялари ёрдамида бу мақсадга муайян даражада эришиш мумкин.

Дидактик жараёнлар барча педагогик технологияларнинг асосидир. Устоз мана шу қоидага асосланган ҳолда педагогик технологиялар схемаси ва классификациясини ишлаб чиқди. Илмий изланишлари натижасида «Янги педагогик технологиялар», «Педагогик маҳорат ва педагогик технология», «Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини олий таълим муассасаларида ўқитиш технологияси» каби ўнлаб илмий қўлланма ва монографиялар яратди.

Домла таълим тизимидаги муаммоларни доимо куюнчаклик билан таҳлил этади: "Ахборот майдонларида кураш қизғин. Келажакда ўқув фанлари бўйича янги ўқув фильмлари ёки ёшларнинг ақлини чархлайдиган компьютер ўйинлари яратилмас экан, оддий доска ва бўр билан уларнинг эътиборини жалб этиш мушкул. Бундай ҳолатда биз таълим ходимлари телевидение ва интернетга имкониятни бой бериб қўйишимиз мумкин. Чунки жонли образ, тимсол, ёшларни кўпроқ ўзига тортиши табиий".

Бу ёруғ оламда ҳар ким ўз мақсадлари ортидан эргашиб, турли йўлларни танлайди. Нурали Сайидаҳмедов эса ўз бахту саодатини ёш авлод камолотида кўрди. Қай бир таълим масканида ишламасин, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тўғрисўзлик, фидойилик каби юксак инсоний фазилатларни қадрлаб келмоқда. Айни пайтда Тошкент давлат техника университети қошидаги Олий муҳандислик педагогикаси институтининг каферда мудири сифатида самарали фаолият олиб бораётир. Таълим-тарбия соҳасини мунтазам ислоҳ этиб, замон руҳига ҳамоҳанг такомиллаштириб бориш жуда зарур. Бу борада эса назария ва амалиётни уйғунлаштира олган фидойи педагог-олимлар меҳнатига таянилади.

Машкура АБДУРАҲМОНОВА,
ТДТУ катта ўқитувчиси

САМАРҚАНДДА ҚАҲВА ДАРАХТИ

Tashabbusning qanoti

Самарқанд давлат университети табиий фанлар факультети қошидаги иссиқхона ўтган асрнинг 70-йилларида академик Ёлқин Тўрақулов ва ботаника (олдинги «Юксак ўсимликлар систематикаси») кафедраси мудири Жаббор Қобиловнинг ташаббуси билан ташкил қилинган. Иссиқхонада ер юзининг турли минтақаларида ўсадиган ёввойи ва маданий ўсимликлар, «Қизил китоб»га киритилган 200 турдан ортиқ ноёб ўсимлик намуналари парваришланмоқда.

— Иссиқхонамизда Марказий ва Жанубий Америка кактусларининг 15 тури ўстирилмоқда, — дейди «Ботаника ва ўсимликлар физиологияси» кафедраси мудири, доцент Хислат Ҳайдаров. — Бу ерда Ўрта денгиз бўйи ўсимликлари — магнолия, лавр дарахти, бамбук, банан ва бошқа ўсимликлар ҳам мавжуд.

Қаҳва дарахти кўчатини иссиқхонага Кавказдан 1985 йили университет олимлари — Худойқул Муқимов ва Мардон Ҳалимов олиб келиб ўтқазган. 42 йил иссиқхонада фаолият олиб борган доцент, марҳум Ўктам Муқимов ниҳолни алоҳида эътибор билан парваришлади. Икки туп қаҳва дарахти 24-25 йил давомида гулламади. Ниҳоят, 2009 йилнинг май ойида илк маротаба гуллаб, мева берди. Унинг гуллари оқ, хушбўй бўлиб, меваси икки уруғли ва данакли.

— 2009 йилнинг май ойида гуллаб, бешолти ойдан сўнг ҳосил беради. Меваси-нинг фойдали хусусиятлари кўп: юрак фаолиятини яхшилаш, нафас йўллари касалланишининг олдини олиш, бош оғриғини бартараф этишда ҳамда қон босими паст беморларга қўл келади.

Ҳаким ЖЎРАЕВ

ҚАТРОНҒИ

Она тупроғимизда шундай ўсимлик турлари ўсадики, нафақат манзарали кўриниши, балки инсон саломатлигига ижобий таъсири билан ҳам аҳамиятлидир.

Tabiat va biz

Қайрағочдошларнинг ноёб турларидан бири қатронғи(целтис) ширин, майда, юмалоқ меваси ҳамда юқори сифатли, мустаҳкам ёғочи ва чиройли шох-шаббаси билан маҳаллий аҳолига қадимдан манзур бўлиб келган. Қатронғи табиатнинг энг оғир шароитида, сувсиз, шағалли тоғ ён-бағирларида, тошларнинг ёриқларида ўсиш хусусиятига эга.

Афсуски, бу ноёб ўсимликнинг табиий ареаллари ҳозирда жуда ҳам қисқариб кетмоқда. Ҳозирги пайтда қатронғи Ер юзининг айрим бурчакларида — Ўрта Осиё, Кавказ, Кичик Осиё ва Эронда сақланиб қолган. «Қизиқарли ботаника» китобида келтирилишича, қатронғи Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларида тарқалган. Рўйхатда негадир Жиззах вилояти кўрсатилмаган. Болалигим Эски Фориш қишлоғида ўтгани боис қатронғини ўз кўзим билан кўрганман. Эсимда, биздан унчалик узоқ бўлмаган Чилловуқ қишлоғида катта харсангтош ёрилғида бир туп қатронғи ўсар эди. Мевасидан ҳам татиб кўрганман, ширин таъми ҳали-ҳануз оғзимда.

Ўтган ёзда қишлоққа йўл олдим. Ўзимга қадрдон бўлган қатронғини излаб бордим. Ҳарсангтош ҳали ҳам салобат билан чўзилиб ётибди. Лекин, минг афсуски, ноёб қатронғидан асар ҳам қолмабди... Жиянимнинг айтишига қараганда, қўриқхонада худди шундай ўсимлик бор экан. Қизиқиб Гўрдарага («Нурота» қўриқхонасининг энг катта дараси шундай номланади) саёҳат уюштирдик. Қўриқхонага кириб, чиндан ҳам, қатронғини топдик: у кўриниши билан барчамизни ҳайратлантирди...



Маҳаллий аҳоли мустаҳкам ёғочидан қурилиш хомашёси сифатида фойдаланиши қатронғининг камайиб кетишига олиб келган. Бу нодир ўсимликнинг нобуд қилинишига қарши қатъий чора кўриш, табиий ҳолда кўпайтиришга кўмаклашиш қатронғини сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўлидир.

Қаюм МУСУРМОНОВ,
Мирзачўл туманидаги 11-умумтаълим мактабининг кимё-биология фани ўқитувчиси

Ta'kid

Фан-техника тараққиёти инсоният юкини енгиллаштирди. Бунинг натижасида кишилар ҳаётида қатор қулайликлар юзага келди. Бироқ табиий ресурслардан ноўрин ва нотўғри фойдаланиш оқибатида турли муаммолар ҳам пайдо бўлмоқдаки, улар одамлар саломатлигига, яшаш тарзига хавф солаётир.

ҲАВО ИФЛОС БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Сўнгги йилларда сайёрамизда инсон фаолияти туфайли қатор экологик ўзгаришлар содир бўлмоқда: иқлим ва об-ҳаво Ер шарининг барча минтақаларида сезиларли тарзда ўзгараяпти, сув ва тупроқлар таркиби тобора ифлосланиб, ўсимлик ва ҳайвонот турлари камайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, одамлар соғлиғига кескин таъсир кўрсатаяпти.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳозирги кунда касалликларнинг 80 фоизга яқинроғи экологик муаммолар оқибати эканини таъкидлайди. Демак, бундай экологик хавф-хатарнинг олдини олиш нафақат экологлар, балки, кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифадир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон саломатлигига таъсир этаётган атроф-муҳит омилларининг 30 фоизи сувнинг ифлосланишига тўғри келса, 40 фоизини ҳавонинг ифлосланиши ташкил этар экан. Атмосферани ифлослочи энг асосий манбалардан бири транспорт воситалари ёнилғисининг чала ёки нотекис ёнишидир. Статистик маълумотларга кўра, транспортнинг барча турлари ҳавони 60 фоизгача ифлослантирса, шаҳарларда бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил этади.

Ёнилғининг атиги 15 фоизи автомобилнинг ҳаракатланишига сарфланиб, қолган 85 фоизи эса ҳавога кучли токсин (заҳарли) модда сифатида ажралади. Ёниш натижасида бензин кислород билан бирлашиб, карбонат ангидрид ва сув ҳосил қилади. Яъни, бу кимёвий реакция шакли $C_8H_{18}+12,5O_2=8CO_2+9H_2O$ кўринишга эга. Лекин бу моддалар қаторида атмосферага ис гази (CO), углеводородлар, азот оксиди (NO) ҳам чиқади. Агар ёнилғи этилли бўлса, чиқинди газлар таркибида қўрғошин (Pb) аралашмаси ҳам бўлади.

Ис гази, яъни бўғувчи газ(CO)нинг рангсиз ва ҳидсизлигини биламиз. Атмосферага кўтарилган бу газ тўрт ойгача туради. Инсон организмига нафас олиш орқали тушганда қондаги гемоглабин билан барқарор бирлашиб, кислород етишмаслигига олиб келади, бу эса ўлим билан тугайдиган заҳарланишга ҳам сабаб бўлади.

Азот оксидларининг (NO) заҳарли таъсири атмосферанинг икки қатламида — стратосфера ва трапосферада намоён бўлади. Асосан бу газлар озон қатламини емириб биосферани хавф остига қўяди. Азот оксидлари 4-5 кун давомида атроф-муҳитда сақланади ва атмосферада ифлос токсинли туманларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Қўрғошин аралашмаси инсон организмида тўпланиб, марказий асаб тизимини ва қон ишлаб чиқариш органларини жароҳатлайди.

Француз экологи Г.Штуббенинг фикрича, 1 литр бензинда 200—600 мд қўрғошин бўлади. 15 минг км. йўл юрган машина 4350 кг кислородни (O) ютиб, 530 кг карбонот ангидрид (CO) ва бошқа 60 хил турдаги газни ҳавога чиқаради.

Бир кунда ҳавога 1000та автомобилдан 3000 кг CO, 200—400 кг чала ёнган маҳсулотлар чиқади, буларнинг ҳаммаси атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсир этади.

Автомобилларнинг атроф-муҳит ва одамларга салбий таъсирини мутлақо йўқотиш қийин, фақатгина маълум даражада камайтириш мумкин. Бунинг учун каталитик нейтрализаторлардан кенг фойдаланиб, ёнилғининг тўлиқ ёниши заҳарли чиқиндиларнинг нейтрал ҳолатга келишини таъминлаш керак. Шунингдек, барча ҳудудларда, кўкламзорлаштириш ишларини олиб бориш, яъни дарахтзорларни кўпайтириш ҳам жуда муҳим. Чунки ҳавони тозалашда улар ўрнини ҳеч қандай техника, технология босолмайди.

Фаррух ҲАБИЕВ,
Жиззах давлат педагогика институтининг табиатшунослик факультети талабаси

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА:
САЛОМАТЛИК ВА НАФОСАТГА ЧОРЛОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айтиш жоизки, айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудида, қишлоқ шаҳарларда қизларнинг ўз саломатлиги тўғрисида мунтазам қайғуриши, ўзи ёқтирган спорт турлари билан эмин-эркин шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси филиаллари томонидан янги қурилаётган ёки қайта реконструкция қилиниб, замонавий инвентарлар билан тўлиқ жиҳозланаётган спорт иншоотларини кўриб қалбларимиз завқу шавққа тўлади. У ерда дилбар мусиқага монанд турли машқларни бажараётган лобар қизларимизнинг интилишларини кузатиб эса беихтиёр қувонасиз.

Пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаби номи бугун кўпчиликка яхши таниш. У ерда ўнлаб иқтидорли қизларимиз малакали мураббийлар ёрдамида бадиий гимнастика билан шуғулланмоқда. Мазкур мактабга борганимизда, ўз фарзандларининг қўлидан тутиб, спорт тўгарагига бошлаб келган ота-оналарнинг ажиб энтикиш ва ҳавас билан «митти юлдузча»ларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб ўтирганига гувоҳ бўлдик. Улардан бирини суҳбатга чорладик. Ўзини Заҳро Хўжаахмедова дея таништирган юртдошимиз ҳам саломатлик ҳамда гўзаллик спорт ёрдамида мустаҳкамланишини теран англаб етган ота-оналардан бири.

— Икки нафар фарзандим бор, — дейди у. — Ўғлим боғчада тез-тез касал бўлар, 1-синфга чиққанда эса, анча вақтгача мактабга кўниколмай юрди. Бу ҳолат иккинчи фарзандим — Махсудага эътиборлироқ бўлишимга туртки берди. Якин қариндошларимнинг "Қиз бола очиқ-сочиқ кийимларда лентадан сакраб соғлом бўлар эканми?!", "Қизингнинг бу тахлит юришлари яхшиликка олиб келмайди!" каби мазмундаги қаршиликларига қарамай, 5 ёшидан уни бадиий гимнастика тўгарагига олиб бордим. Ўзгаришлар бирин-кетин кўзга ташланди: расо қад, саранжом-саришталик, асосийси, соғломлик. Шунда кимларнингдир айтган гапларига қулоқ солмай, тўғри қилганимга амин бўлдим. Фарзандим мактабга чиққанда ҳам қийналмади. Чунки ундаги ўз-ўзини бошқариш, тартиб-қоидаларга риоя қилиш кўникмаси гимнастика машғулотлари жараёнида шаклланганди. Мана, 6 йилдирки, Махсуда бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланяпти. Унинг соғлом ўсаётгани бизни бир хурсанд қилса, шаҳар миқёсидаги мусобақаларда эришаётган ютуқлари уйимизни шодликка тўлдиради.

Ўзбек қизларидаги оила муҳитида шаклланган тортинчоқлик, андиша илгари бадиий гимнастика билан эркин шуғулланишга тўсқинлик қиларди. Айнан шу талаблар ҳисобга олиниб, қизларни бадиий гимнастикага янада кенгроқ жалб этиш мақсадида миллий менталитетимизга мос спорт либослари ишлаб чиқарилаётганини мамнуният билан тилга олиш лозим. Бундай замонавий миллий спорт кийимларида ҳеч бир қиз ўзини ноқулай ҳис этмайди...

Табиийки, мураббийлар ва ота-оналарни бадиий гимнастиканинг назарий жиҳатлари кўпроқ қизиқтиради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 3-4 ёшли бола машғулотлар моҳиятини англаб етмайди ва ҳаракатларни кўр-кўрона такрорлайди, холос. Натижада машғулотдан кўзланган мақсадга эришилмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланган меъёрда қайд этилишича, қизларнинг бадиий гимнастика билан 5-6 ёшдан шуғуллангани маъқул экан. Бу вақтдан кеч бошлаш эса (суякларнинг ўн ёшдан кейин қота бошлаши ҳисобига) машғулот ҳаракатларини тўла бажаришда қийинчилик туғдиради.

Гимнастика, аввало, қад-қоматнинг текис, тўғри ўсишига, мушакларнинг ривожланишига ёрдам бериб, иммун тизимини мустаҳкамлаб боради. Бадиий гимнастика билан шуғулланган қизлар касалликларга кам чалинади. Ясси оёқлик, сколиоз, диск чурраси каби хасталик аломатлари бор қизлар учун ҳам бадиий гимнастика билан шуғулланиш тавсия этилади.

Бадиий гимнастика бўйича Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаби директори Фахритдин Саъдуллаев билан суҳбатлашарканмиз, махсус тўгаракларга қатнашмай, уй шароитида қўлланмалардан фойдаланиб, мустақил равишда машғулот ўтказса бўладими, дея савол бердик.

— Болаларни спорт тури билан мустақил шуғуллантиришга киришишдан аввал унинг саломатлигини текшириш лозим. Шу боис, тўгаракка қабул қилишдан олдин қизларнинг саломатлиги ҳақида шифокор кўрсатмасини талаб қиламиз, — деди Ф.Саъдуллаев. — Организми эндигина ривожланаётган болага ўзбошимчалик билан нотўғри ҳаракатларни ўргатиш тўғрилаб бўлмас хатога айланиши мумкин. Тўғри, бадиий гимнастиканинг мураккаб бўлмаган, ҳар жиҳатдан қулай ва ҳаммабоп машқлари ҳам бор. У билан оилавий шароитда, мустақил шуғулланса бўлади. Масалан, гигиеник гимнастика машқлари: ҳар куни эрталаб белгиланган қатъий вақтда ўриндан туриш, уй ҳавосини алмаштириш, машқлар бажаришда тўғри ва чуқур нафас олиш. Олдинга, орқага, ёнга эгилиш, тебраниш кабиларни бажариш зарарсиз.

Ҳар қандай машғулот самараси мунтазамлик, тартиб ва қунт билан юзага чиқади. Қизларимиз ҳам бадиий гимнастика билан 14-15 ёшгача шуғулланишса, саломатлигида ижобий бурилиш ясашга эришади.

Хулоса қилиб айтганда, бадиий гимнастика замонавий спорт турлари орасида энг нафиси ва нозигидир. Шундай экан, у билан шуғуллантириш мобайнида мураббийлар ва ота-оналар ҳар бир хатти-ҳаракат, усул қизларнинг умумий индивидуал ривожланишига ўз таъсирини ўтказишини ёддан чиқармаслиги лозим.

Дилроз АБРАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

2012 ЙИЛ:
ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ЮТУҚЛАРИ

Юртимизда болалар ўртасида «миллионлар ўйини»ни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор маҳоратли футболчилар авлоди етишиб чиқишида муҳим омил бўлмоқда. Пойтахтимизда Ўзбекистон футбол федерацияси(ЎФФ)нинг 2012 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган тадбирда ҳам мазкур жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

Ортда қолган йил чинакамига муваффақиятларга бой бўлди: ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатидан *бош соврин* билан қайтди, 20 ёшгача бўлган футболчиларимиз жаҳон чемпионатига *йўлланма* олди, миллий терма жамоамиз 2014 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасида ўз гуруҳида *пешқадам*лик қилмоқда ва ногиронлар терма жамоаси кетма-кет учинчи марта *жаҳон чемпиони* бўлди. Қолаверса, ўсмир қизларимиз жамоаси илк марта Осиё чемпионатига йўлланма олди. Жаҳон андозаларига тўла мос келувчи замонавий «Бунёдкор» спорт мажмуаси барпо этилди...

Ва ниҳоят, энг эътиборли ютуқ — ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясига "Fair Play" (Ҳалол ўйин) соврини топширилди. Бу соврин нафақат ўзбек спорти ривожига, балки бутун халқимизнинг поқдамонлигига берилган юксак баҳо ҳамдир.

ЎФФ томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида сўров ўтказилиб, 2012 йилнинг «энг яхши»лари аниқланди. Унга кўра, "Энг яхши футболчи" номинацияси Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Санжар Турсуновга, «Йилнинг энг яхши мураббийси» номинацияси эса миллий терма жамоамиз ва «Бунёдкор» клуби бош мураббийи Миржалол Қосимовга берилди. ФИФА рефериси Равшан Эрматов «Йилнинг энг яхши ҳаками» бўлди.

Шунингдек, 19та гол урган «Нефтчи» ҳужумчиси Анвар Бердиев «Ўзбекистон чемпионатининг энг яхши тўпурари» деб топилган бўлса, «Ҳалол ўйин» номинацияси «Олмалиқ» жамоасига тақдим этилди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси устози Дилшод Нуралиев «Энг яхши ёшлар мураббийси» ҳамда унинг шогирдлари — Отабек Шукуров ва Жамшид Болтабоев «Энг яхши ёш футболчи» деган эътирофга муносиб кўрилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон футбол федерациясининг 2012 йилдаги фаолияти якунларига бағишлаб ўтказилган тадбирда мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Зоҳиджон ХОЛОВ

АСОСИЙ ТАЪҚИБЧИСИ ЙИҚИЛГАЧ...

Норвегиялик таниқли чанғичи, уч карра қишки олимпиада чемпиони Марит Бьорген Италиянинг Валь-ди-Фьемм шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақасида навбатдаги олтин медални қўлга киритди.

Унинг мазкур ютуғи фаолияти давомидаги тўққизинчи ғалаба экани диққатга сазовор. Бьорген индивидуал спринт баҳсларининг классик йўналишида зафар қучди.

Фахрли иккинчи ўринни швециялик Ида Ингемарсдоттер эгаллади. Учинчи ўрин соҳибаси учун аталган бронза медали эса бошқа бир норвегиялик спортчи — Майкен Касперсен Фаллага насиб этди.

Польшалик чанғичи Юстина Ковальчик финал баҳсида Бьоргенга жиддий қаршилик туғдираётганди. Бироқ Юстина йўл ярмида мувозанатини йўқотиб, якунда медаллардан қуруқ қолди.

ЧИНАКАМ ИРОДА ТАНТАНАСИ

Даниялик иқтидорли теннисчи Каролин Возняцки Дубай шаҳрида давом этаётган халқаро турнирда муваффақиятли одимламоқда.

У чорак финалда франциялик ҳамкасби Марион Бартолини уч сет натижасига кўра, 4:6, 6:1, 6:4 ҳисобида мағлуб этди. Эътиборлиси, биринчи сетда Каролин имкониятни бой берганди. Аммо у тушкунликка тушмади ва хаталаридан қисқа вақт ичида тегишли хулоса чиқариб, мувозанатни тиклашга ҳамда ғалабага эришишга ҳам муваффақ бўлди. Теннисчилар ўртасидаги муросасиз матч 2 соату 32 дақиқага чўзилди.

Энди ярим финал баҳсида Возняцки польшалик Агнешка Радванска ва Петра Квитова (Чехова) ўртасидаги учрашув ғолибаси билан куч синашади.

АҲАМИЯТСИЗ ҒАЛАБАЛАР

Футбол бўйича кўҳна қитъада Европа лигаси мусобақасининг 1/16 финал учрашувларининг жавоб ўйинлари бўлиб ўтди. Унда «Анжи» жамоаси кейинги босқич масаласини ижобий ҳал этди.



Дастлабки баҳсни ўз уйида ўтказган Гуус Хиддинк шогирдлари сафарда «Ганновер» билан дуранг(1:1)га имзо чекди. Англиянинг «Ливерпуль» клуби гарчи ўз уйида «Зенит»ни 3:1 ҳисобида енгган бўлса-да, мусобақа низомига кўра, мағлуб бўлди. Шу тариқа турнирни ўз уйида 2:0 ҳисобида зафар қучиб, сафарда 1:3 ҳисобида енгилган питербургликлар давом эттирадиган бўлди...

Ўз майдонида 0:2 ҳисобида мағлуб бўлган «Атлетико» Қозонда «Рубин»ни енгди, бироқ 1:0 ҳисобидаги ғалаба испанияликларнинг турнирдан чиқиб кетишини таъминлади.

Энди нимчорак финалда «Базел»—«Зенит», «Леванте»—«Рубин», «Анжи»—«Ньюкасл», «Стяуа»—«Челси», «Тоттенхэм»—«Интер», «Бенфика»—«Бордо», «Виктория»—«Фенербахче» ва «Штутгарт»—«Лацио» қарама-қаршилигига гувоҳ бўламиз.

ЯРИМ КИЛОМЕТР — 34 СОНИЯДА

Гонконглик моҳир спортчи Ли Вайси велоспорт бўйича Минск шаҳрида ўтказилаётган навбатдаги жаҳон чемпионатида олтин медаль билан тақдирланди.

Ли Вайси 500 метрлик масофани ортда қолдириш учун 33,973 сония сарфлади.

Кумуш медал германиялик Мириам Вельтега насиб этди. У ярим километрни 33,996 сония ичида босиб ўтди. Бронза медали британиялик Ребекке Жеймс(34,133)га берилди.

Жаҳон чемпионати эртага ўз якунига етади.

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

ҲУРМАТЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР, ЎҚУВЧИЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори, шунингдек, 2011 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиши баёнида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги китобсавдо тармоқлари билан ҳамкорликда 4 номдаги дарсликлар нашрга тайёрланиб, эркин савдога чиқарилди.

Айни кунларда «Mehnat ta'limi» (2-, 3-, 5-синфлар), «Tasviriy san'at» (5-синф) дарсликлари «SHARQ» компанияси тасарруфидаги «SHARQ ZIYOKORI» китоблар марказининг марказий ҳамда вилоятлардаги филиалларида сотилмоқда.

Дарсликлар танлов асосида яратилган бўлиб, мавжуд ўқув дастурлари ҳамда амалдаги давлат таълим стандартларига мос равишда чоп этилган. Ушбу дарсликлар мамлакатимизда ёш авлодни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ўргатувчи муҳим манба бўла олади.

SHARQ ZIYOKORI

Нашриёт

Мурожаат учун телефонлар:
(+99 895) 177-2014;
(+99 871) 233-3590;
(+99 871) 233-5872
web sayt: www.sharq.uz
www.nafisbezak.uz

УШБУ КИТОБЛАРНИ «SHARQ ZIYOKORI» КИТОБЛАР МАРКАЗИНИНГ МАРКАЗИЙ ҲАМДА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ДЎКОНЛАРИДАН СЎРАНГ!

Андижон шаҳри:	Фитрат кўчаси, 245-савдо мажмуаси, 2-қатор, 40-дўкон.	8 374 224-3291; +998 (95) 200-8644; +998 (95) 200-4803; +998 (91) 483-1167
Бухоро шаҳри:	Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй.	8 365 223-7596; +998 (93) 620-2333
Жиззах шаҳри:	Шараф Рашидов кўчаси, 1-уй.	8 372 226-4293; +998 (90) 538-1600
Навоий шаҳри:	Ўзбекистон кўчаси, 14-уй.	8 436 223-0130; +998 (95) 603-4513; +998 (90) 730-1234; +998 (90) 717-8608
Наманган шаҳри:	Навоий кўчаси, 36-уй.	8 369 226-4964; +998 (93) 494-6873
Нукус шаҳри:	Аляр Дўстназарова кўчаси, 85-а уй.	8 361 222-3239; +998 (93) 614-3932; +998 (93) 489-2522
Самарқанд шаҳри:	Университет хиёбони, 15-уй.	8 366 239-1468; +998 (90) 224-2954
ОРАКМ, Мустақиллик кўчаси, 48-уй.		8 366 233-1763; 8 366 390-1763
Хива шаҳри:	«Ичан қалъа» Давлат қўриқхонаси.	8 362 375-4308; 8 362 375-6928; +998 (91) 431-5787; +998 (91) 917-6960
Фарғона шаҳри:	К. Додхох кўчаси, 2-уй.	8 373 275-8765 +998 (95) 400-4468; +998 (91) 666-0077
Марғилон шаҳри:	Мустақиллик кўчаси.	8 373 233-3683; +998 (98) 576-5509
Гулистон шаҳри:	Мустақиллик кўчаси, 81-уй.	8 367 225-1299; +998 (90) 509-7252
Термиз шаҳри:	Ат-Термизий кўчаси, 1-уй.	8 376 223-1104; +998 (93) 636-6868; +998 (93) 638-3858
Қарши шаҳри:	Ўзбекистон кўчаси, Марказий универмаг биноси.	8 375 227-7700; 8 375 225-3279; +998 (98) 776-4101; +998 (98) 275-4101; +998 (98) 777-4101;
Тошкент шаҳри:	«Ўрда», Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй.	8 371 241-2590; +998 (94) 698-7979; +998 (90) 982-6941
	«Бодомзор», Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй.	8 371 234-6085; +998 (91) 163-6018;
	«Фарҳод», Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 58-уй.	+998 (95) 177-2013
	«Беруний», Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 12-уй.	+998 (93) 902-1175
	«Авиасозлар», Ҳамза тумани, Исмоилов кўчаси, 22-уй.	8 371 296-0826
	Тошкент Давлат педагогика университети «Миллий кутубхона», Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, 1-уй.	+998 (90) 958-8239 +998 (93) 394-8988

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-218.
Tiraji 66475.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navbatchi:
Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 22.05
Topshirildi — 22.15

12345